



Бахтиёр ИСОҚОВ
Наргиза ИСОҚОВА

**АНЪАНАЛАРНИ
АБАДИЯТГА
АЙЛАНТИРГАН
АЙЁМ**

НАМАНГАН ШАҲАР МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ
НАМАНГАН ШАҲАР БЎЛИМИ

Бахтиёр ИСОҚОВ
Наргиза ИСОҚОВА

АНЪАНАЛАРНИ АБАДИЯТГА АЙЛАНТИРГАН АЙЁМ

*Асрлар бағридан келган шодиёна, улкан маънавий кўзгу,
гурур ва ифтихор манбаи – Наврўз байрамига бағишлаб
ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш
учун қўлланма*

Байрамлар қадимдан ва яқин замонлардан у ёки бу этноснинг маънавий эҳтиёжи сифатида вужудга келган ва муайян мафкуравий вазибаларни бажарган. Айти бир пайтда ҳар бир авлод аждодлардан мерос байрамларга ўзидан нималарнидир қўшиб келган. Аждодлардан авлодларга мерос тариқасида ўтиб келаётган «Наврўз» буюк ва муқаддас анъанавий айёмлар тоифасига киради.

Байрамлар инсониятнинг ўзи босиб ўтган йўлларини чуқур англаши, қўлга киритилган ғалабалардан мағрурланиши, эртанги кунга умид билан қарашига ёрдам беради. Байрамларда бир вақтнинг ўзида эл-юрт руҳи, унинг шонли ёки қайғули ўтмиши, сермазмун бугуни, порлоқ келажаги акс этади.

Байрамлар, энг аввало, жамиятнинг юраги, Ватан ичра Ватан бўлмиш маҳаллаларда нишонланади. Шу боис ҳам биз ушбу қўлланма воситасида маҳалла, ҳар бир оила, ҳар бир шахс билан маънавий тарбия шаклларида бири – Наврўз тарихи, мазмун-моҳияти хусусидаги фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашиш мақсадини кўзладик.

Мазкур услубий қўлланма Наманган шаҳар Маънавият ва маърифат кенгашининг 2013 йил 25 февралдаги 04/04-13- сонли йиғилиши қарори ижроси доирасида Наманган вилоят Маънавият ва маърифат ҳудудий кенгаши жамоатчилик тарғибот гуруҳи раҳбари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган ҳудудий бўлинмаси бош мутахассиси – “Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва фуқаролик онгини шакллантириш мониторинги гуруҳи” раҳбари, НамДУ доценти, тарих фанлари номзоди Бахтиёр Робиддинович Исоқов ҳамда Наманган шаҳар 49- умумтаълим мактаби тарих фани ўқитувчиси, Ватан тарихи магистри Наргиза Бахтиёровна Исоқова томонидан тайёрланди.

Қўлланма маънавият тарғиботчилари ҳамда фуқаролар йиғинлари раисларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларига бепул тарқатилади.

**Республика Маънавият тарғибот
маркази Наманган шаҳар бўлими.**

Қўлланма маънавият тарғиботчилари ҳамда фуқаролар йиғинлари раисларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларига бепул тарқатилади.



МУҚАДДИМА

Миллий ўзликни англаш, миллий кадриятларни қайта тиклаш жараёни бевосита ўзбек халқининг маънавий меросини, унинг миллий анъана ва урф-одатларини ўз ичига олган маънавий ҳаёти тарихини чуқур ўрганиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт давомида келиб чиқиши, мазмуни, ижтимоий ҳаётда қарор топишига кўра анъанавий, диний, миллий ва бошқа байрамлар шаклланган. Уларнинг аجدодлардан авлодларга мерос тариқасида ўтиб келадиганлари анъанавий байрамлар ҳисобланади.

Анъанавий байрамлар қадимда кишиларнинг Она табиатга бўлган муносабатларини акс эттириб, уларнинг диний ва мифологик эътиқодларини ифодалаган бўлса, ҳозирги даврда ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган улкан маънавий кўзгудир.

Байрамлар инсоннинг маънавий эҳтиёжи сифатида вужудга келган ва муайян мафкуравий вазифаларни ҳам бажарган. Турли-туман ижтимоий-сиёсий жараёнлар натижасида жамият ҳаёти ҳам ўзгариб боргани сари байрамлар ҳам мавжуд воқеликка мослашиб борган. Айни бир пайтда ҳар бир авлод байрамларга ўзидан нималарнидир қўшган. Натижада, байрамлар дунё маданиятига йиғилган энг қимматли бойликларни уйғунлаштириш вазифасини ҳам адо эта бошлаган.

Байрамлар инсоният маданиятининг бошланғич шаклидир. Шу боисдан ҳам улар инсониятнинг ўзи босиб ўтган йўллари чуқур англаши, қўлга киритилган ғалабалардан мағрурланиши, эртанги кунга умид билан қарашига ёрдам беради. Уларда халқ руҳи, бир вақтнинг ўзида унинг ўтмиши, сермазмун бугуни, порлоқ келажаги акс этади. Байрамларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий аҳамияти шу билан белгиланадики, у муҳим анъаналарни қўллаб-қувватлаб, инсоният маданиятининг ютуқларини мустаҳкамлайди. Шу сабабдан байрамлар инсоният маданиятининг энг муҳим шаклларида бири бўлиш билан бир қаторда, уни ривожлантиришдаги самарали восита ҳам ҳисобланади.

Маҳмуд Кошғарий унга шундай таъриф берганди: «Базрам – одамлар орасида шодлик ва кулгу. Гуллар очилган жойларга базрам йэр дейилади. Яъни ёқимли ер демақдир. Ўғузлар ҳайит кунини базрам дейдилар, яъни шодлик ва ёқимли кун». Ҳақиқатан ҳам байрамлар шундай руҳий кайфиятни вужудга келтирадики, унда одамлар бошқа кунлардагига нисбатан хурсандроқ ва шод-хуррамроқ бўладилар.

Шундай нуктаи назардан қараганда, байрам маълум бир вақтдаги идеал ҳаёт ҳисобланади.

Инсоният байрамлари, жумладан ўзбек халқ байрамларининг қатор афзаллик ва диққатга сазовор томонлари мавжуд. У. Қорабоев «Ўзбекистон байрамлари» китобида уларнинг энг муҳим жиҳатларини алоҳида ажратиб кўрсатган: «Байрам улуғвор ишларнинг тантанали бошланиши ва муваффақиятли тугалланиши каби дақиқаларда ҳам вужудга келади. У кишиларнинг кураши, меҳнати ва бошқа соҳаларда эришган ютуқларини ифодалайдиган ҳодисадир. Байрам – орзу, меҳнат, курашнинг ғалабаси, ... ҳаётнинг энг яхши томонларини акс эттирадиган «кўзгу»дир, ... кишиларда оптимизм – ҳаётбахш руҳ уйғотиш учун хизмат қилади».

Аждодларимиз умргузаронлик қилган, ҳозирда Сиз ва Биз истиқомат қилаётган, Евроосиё материгининг юраги – Марказий Осиё инсоният маданиятининг энг қадимий ўчоқларидан бири ҳисобланади. Археологик тадқиқотлар бу ҳудудда 1 миллион йилдан буён одамлар яшаётганлигидан далолат бермоқда. Демак, маҳаллий аҳоли маданияти, жумладан, ўзбек халқ урф-одатларининг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнини нафақат асрлар, нафақат минг йилликлар, балки юз минг йилликларни камраб олган ҳолда ўрганишимиз керак.

Анъанавий байрамларнинг илдизи жуда узоқ ва қадим замонларга бориб такалади. Уларни тадқиқ ва таҳлил этиш орқали бу масаланинг ҳозирги даврда ҳам бевосита дахлдор эканлигига амин бўлаемиз. Анъанавий байрамлар бугунги кунда ҳам ўта долзарблигини саклаб қолган маънавий-ахлоқий тарбия тизимидаги ўзига хос муҳим ва энг йирик шакллардан бири ҳисобланади.

Ҳар бир этнос санъати ва маданияти шакллари орасида энг улкан оммани ўзига жалб этадиган оммавий тадбир ҳам байрам ҳисобланади. Шу боисдан ҳам оммавий байрамлар энг кучли эмоционал таъсир этувчи воситаларни бирлаштириб, умумий тарбия тизимида ўзига хос кульминацион ҳалқани намоён этади.

Миллий байрамлар ҳар бир этноснинг ғурури ва ифтихоридир.

Ҳозирги даврда, табиат ва инсоният ўртасидаги муносабатлар биров таранглашаётган пайтда, бутун Курраи Замин миқёсида Она табиатга, уни асраб-авайлашга оид байрамларга қизиқиш ошаётганлигини сезишимиз мумкин. Бинобарин, табиатни муҳофаза қилиш муаммоси XXI аср ибтидосидаги дунёнинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланган ҳозирги даврда бу мавзуларга бағишланган тадбирлар, кўрик-конкурслар, байрамларга ҳаётий эҳтиёж янада кучаймоқда.

Чунки, бундай тадбирлар кишиларда табиат гўзалликлари кадрига етиш ҳис-туйғусини уйғотиб, уларда Она сайёра такдирига жавобгарлик ва жонкуярлик учун қулай шарт-шароит яратаётганлигини ўзингиз ҳам кўриб-билиб, ҳис этиб турибсиз.

Шарқ халқларининг муштарак ижоди – Наврўз узоқ мозийдан бугунга қадар етиб келган муқаддас кадриятлардан бири, байналминал байрамдир. Унинг мазмун-моҳиятига қадимги аجدодларимизнинг мифологик тасаввурларидан тортиб, бугунги замондошларимизнинг илғор қарашларигача бўлган маънавий олами сингиб кетган ва у инсо-ният цивилизациясининг узоқ асрлар мобайнидаги ҳар бир ютуғидан доимо куч-қувват олиб турган. Башарият тарихида Наврўздан қадимий-рок байрамни топиш қийин, унинг илдизлари неолит (мил. авв. VI – IV минг йилликлар. – Б. И., Н. И.) даврига бориб тақалади.

Наврўз байрамини нишонлаш одамларнинг Ер ҳақида, унинг коинотдаги ўрни хусусида мулоҳаза юрита бошлаган даврига тўғри келади. Бошқача қилиб ифодалганда, Наврўз Ер ҳақидаги дастлабки илмий-географик тасаввурлар пайдо бўлган замонлардан бошлаб шаклланган. Дастлаб Наврўз байрамини ўтказиш ўтроқ деҳқонлар орасида расм бўлган, кейинчалик улар орқали ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий халқларнинг ҳам урф-одатлари, анъаналари, кадриятларига айланган. Демак, бундай байрамлар турли гуруҳлар ҳаётида ўта муҳим аҳамият касб этган хўжалик фаолияти – деҳқончилик билан бир вақтда шаклланган. Шундай қилиб, ҳозирги дунё ва даврда Наврўз айёмининг бундан 3,5 - 4 минг йил бурун бизнинг ўлкамизда пайдо бўлганлиги илмий жиҳатдан исботланган.

Халқнинг умрбоқий кадрият, удумлари ва байрамларини билиш ва уларга амал қилиш кишиларга миллий ўзлигини англашга ҳам ёрдам беради. Улардан олий кадрият сифатида ақл ва идрок билан халқ ва жамият манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш ҳар бир инсоннинг муқаддас маънавий бурчи бўлмоғи лозим. Бу эса инсониятнинг босиб ўтган йўллари чуқур англаши, қўлга киритилган ғалабалардан мағрурланиши ва эртанги кунга умид билан қарашига ёрдам беради. Шунингдек, миллий истиқлол ғоясининг энг муҳим тамойилларидан бири – барка-мол авлод тарбиясида ҳам муҳим роль ўйнайди.

Истиқлол йилларида анъанавий байрамлар орқали халқимизнинг бой миллий мероси қайта тикланмоқда. Жойларда маданиятимиз негизлари, миллий кадриятларимиз тикланиб, унга янгидан ҳаёт бахш этилмоқда.

Соғлом ва баркамол авлоднинг шаклланишида, уларда миллий рух, миллий гурур, ифтихор, ватанпарварлик ғояларини камол топтиришда анъанавий байрамларнинг аҳамияти бекиёс. Байрамлар мазмун-моҳиятида халқ томонидан минглаб йиллар мобайнида тўпланган улкан тарихий тажриба мавжуд. Бугунги кунда маълум даражада унутилиб борилаётган байрамлар анъаналарини сақлаб қолиб, ёш авлодга етказиш, келажак авлодни тарбиялашда таянч сифатида хизмат қилади ҳамда тарихимизни, маънавиятимизни янада бойитади.

НАВРЎЗ БАЙРАМИ ТАРИХИГА ОИД МАНБАЛАР

Турли макон ва замонларда турли-туман муносабатлар билан ўтказилувчи байрамлар қадимдан одамлар ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган ҳамда барчада ўзига хос қизиқиш уйғотиб келган. Мазкур муаммо, ўз навбатида турли даврларда яшаб ижод қилган олимларнинг асар ва тадқиқотларида изчил равишда ёритиб келинган.

Ўзбек халқи анъанавий байрамлари ҳамда уларнинг халқ анъанавий турмуш тарзидаги кўринишларига оид мавжуд илмий тадқиқотлар, адабиётларни таҳлил қилишдан олдин бу масалага бағишланган бобокалон китоб, 3 минг йиллик ўзбек давлатчилиги илк даври мафкураси вазифасини адо этган – “*Авесто*”, “*Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар*”, “*Бухоро тарихи*”, “*Масъуд тарихи*”, “*Сиёсатнома*”, “*Наврўзнома*”, “*Шажарайи турк*” каби бир қатор тарихий манбаларга эътибор қаратиш жоиздир.

“Авесто”да келтирилишича, қадимда йилнинг турли босқичларида нишонланувчи асосий байрам – “*гоҳанбор*”лар олтига бўлган. Бу байрамлар йилнинг муайян вақтларида нишонланганлиги қайд этилган. Масалан, биринчи байрам “*Майзюйи заримая*”, яъни “*баҳорнинг ўртаси*” йилнинг 41 – 45 кунлари; иккинчиси, “*Майзюйи шима*” – “*ёзнинг ўртаси*” йилнинг 101 – 105 кунлари; учинчиси, “*Пайтйи ҳаҳя*” – “*галлани йигиб олиш*” йилнинг 176 – 180 кунлари; тўртинчиси, “*Айатарима*” – “*чорвани уйга қайтармоқ*” йилнинг 206 – 210 кунлари; бешинчиси, “*Майзйайрәх*” – “*йил ўртаси*” йилнинг 285 – 292 кунлари; олтинчиси, “*Ҳамаспасмасидаях*” – “*бутун сипоҳ ҳаракати*” ёки “*ўтган аждодларнинг руҳи уйга қайтадиган кун*” йилнинг 360 – 365 кунларига тўғри келади. Демак, “Авесто” жамияти кишилари бундан 3 минг йил муқаддам йилнинг белгиланган вақтларида ҳаётий байрам ва маросимларни ўтказиб келганлар.

Мазкур байрамлар тўғрисидаги маълумотлар ўзбек халки анъанавий байрамларини ўрганишда асосий ҳамда энг қадимий ва катта илмий аҳамиятга эга бўлган ноёб ёзма манбалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, ўзбек халки анъанавий байрамларининг илк кўринишлари, тарихий илдилари тўғрисида тўғри хулосалар чиқаришда ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Шарқ халқларининг йил таквими билан боғлиқ маросимларини ўзида акс эттирган ўрта аср ёзма манбалари орасида буюк комусий олим Абу Райҳон Берунийнинг *“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”* номли асари алоҳида эътиборга сазовордир. Ушбу тарихий-этнографик асарда исломгача бўлган даврдаги хоразмликлар, сўғдийлар, эронликларнинг ҳайитлари – байрамлар тўғрисидаги ўта муҳим маълумотлар баён этилган. Айниқса, алломанинг *Наврўз, Меҳржон, Сада, “Қовоқ байрами”, “Ўзум байрами”, “Ўтган аجدодларни хотирлаш”* билан боғлиқ байрам ва маросимлар тўғрисидаги маълумотлари ҳозирги замон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мазкур байрамларнинг барчасида табиатда юз берадиган турли-туман ўзгаришлар акс этган. Мазкур китоб Марказий Осиё халқлари маданияти, уларнинг урф-одат ва эътиқодлари тарихи акс эттирилган тарихий-этнографик асар бўлиб, ўзбек халки анъанавий байрамлари генезиси ва тарихий тараққиётини ўрганишда бебаҳо манбалардан бири ҳисобланади.

Ўрта асрнинг машҳур муаррихларидан бири Муҳаммад Наршахийнинг *“Бухоро тарихи”* номли асарида ҳам Наврўз байрами ва олов билан боғлиқ маросимлар ўтказилганлиги қайд қилинган. Асарда кўрсатилишича, деҳқонлар ва мубад(коҳин)ларнинг Наврўз байрами бир-биридан ўтказилиш муддати билан фарқ қилган. Айёмнинг вужудга келиш тарихи мил. авв. 2 минг йилликлар билан боғланган. Мазкур асар ўрта аср кишилари байрамларининг келиб чиқиши билан боғлиқ тасаввурлари ҳамда ўша даврда айёмларга бўлган муносабатнинг қай даражада эканлиги тўғрисида хулосалар чиқаришга имкон беради.

Абулфазл Байҳақийнинг *“Масъуд тарихи”* асаридаги Султон Масъуд (1030–1041) даврида Наврўз, Меҳржон каби байрам ва маросимларнинг ҳукмрон табақа ҳамда аҳоли ўртасида ўтказилиш тартибига доир маълумотлар, анъанавий байрамларнинг кўриниши ҳамда унга нисбатан қандай сиёсат юритилганлиги ҳақида аниқ тасаввурга келиш имконини беради.

Бундан ташқари, Низомулмулкнинг *“Сиёсатнома”*сида Наврўз ва Меҳржон байрами кунлари подшоҳлар ариза билан келган олдий

халқни ўзлари қабул қилиб, тегишли қарорлар қабул қилганлиги ва бу кунларда барча аҳолининг ҳақ-ҳуқуқи баробар бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган бўлса, Умар Ҳайёмнинг “Наврўзнома”сида Наврўз байрами тарихи, ўша давр йил таквимидаги ойлар номлари, мазкур ойларда бажариш мумкин бўлган амаллар ҳамда қадимги давр подшоҳларининг одатлари тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар қайд этилган.

Мазкур маълумотлар ўзбек халқи анъанавий байрамларининг ривожланиб бориши жараёнида унга нисбатан ҳукмрон табақанинг юритган сиёсати ва муносабати, шунингдек, байрамларнинг қай даражада давлат аҳамиятига алоқадор бўлганлиги масаласида тегишли хулосалар чиқариш имконини беради.

Абулғози Баҳодирхоннинг туркий қавмлар тарихига бағишланган “*Шажарайи турк*” асари Наврўз айёмининг турклар орасида нима сабабдан байрам қилиниши ҳақидаги маълумотлар, ўзбек халқи анъанавий байрамларининг кейинги даврлардаги сақланган кўринишлари ҳақида тушунча бериши билан аҳамиятлидир.

Мазкур манбалардаги маълумотлар ўзбек халқи анъанавий байрамларининг вужудга келиши ҳамда ривожланиши борасидаги фикрларимизни янада бойитади ҳамда келажакка бўлган ишончимизни мустаҳкамлайди. Айниқса, “Авесто”, “Осор ул боқия”, “Наврўзнома”да баён этилган анъанавий байрамлар тўғрисидаги маълумотлар бугунги кунлар учун ҳам катта аҳамият касб этади. Уларда битилган байрамлар ҳақидаги маълумотлар ўзбекларнинг анъанавий байрамлари генезиси ва трансформациясига доир хулосалар чиқаришда муҳим ўринни эгаллайди.

Номлари қайд этилган манбалардаги маълумотларга кўра, анъанавий халқ байрамлари ўзбек халқи аجدодларининг турмуш тарзида жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, улар табиатнинг уйғониши ва уйқуга кетиши билан боғлиқ қадимий фалсафий қарашларнинг такомиллашиб бориши натижасида вужудга келган.

Умуман олганда, манбаларда асосий эътибор хилма-хил тантаналар таркибида етакчилик қилувчи Наврўз ва Мехржон каби халқ байрамлари таъриф-тавсифига қаратилган. Йилнинг икки хил муддатида ўтказилувчи мазкур айёмлар ўзида қадимий фалсафий қарашларни акс эттирган бўлиб, ўзбек халқи анъанавий байрамлари тарихи ва мазмун-моҳиятини ўрганишда ўзига хос даврий чегара ҳамда етакчилик каби функцияларни бажаради.

Марказий Осиё халқларининг анъанавий байрамлари билан боғлиқ турли-туман фикр-мулоҳазалар XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида асосан даврий матбуот нашрлари ҳамда кўплаб хорижлик шарқшуносларнинг асарларида учрайди.

Мавжуд адабиётларни таҳлил қилишдан аввал шуни таъкидлаш лозимки, даврий матбуот нашрларида чоп этилган мақолалар муаллифлари ўша даврда яшаган ахборотчилардан олган маълумотлари ҳамда ўзлари гувоҳ бўлган урф-одат ва маросимларни баён этганлар.

Бу даврда фаолият юритган Ю. Казбеков мақолаларида Ўрта Осиё халқлари ҳаётида Зангиота культининг тутган ўрни ва унинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳда ўтказилувчи сайил тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Ўзбек халқи анъанавий байрамларини ўрганишда, аввал Наманган уезди бошлиғининг ўринбосари сифатида хизмат қилган, кейинчалик эса Янгикўргон тумани Нанай қишлоғида анча йиллар оиласи билан яшаган В. Наливкиннинг рафиқаси М. Наливкина билан биргаликда ёзган “*Фаргона маҳаллий ўтроқ аҳолиси аёллари турмушидан очерклар*” номли асари ҳам алоҳида эътиборга молик. Унда водий ўзбекларининг анъанавий халқ байрамлари ҳам кенг ёритилган. Мазкур асарда ҳайитлар, сайиллар, сумалак, қиш кечаларида ўтказилувчи зиёфатлар, “сафар ойи” кабилар билан боғлиқ маросим ва байрамлар ҳамда уларда иштирок этувчи жинслар ўртасидаги тафовутлар тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган.

Н. Ликошиннинг “Қорхат”, баҳорни кутиб олиш, яъни баҳорги сайиллар тўғрисидаги маълумотлари ҳам аждодларимиз томонидан ўтказилувчи байрамлар тўғрисидаги тасавурларимизни янада ойдинлаштиради. Муаллиф XX аср бошларида мазкур байрамона сайилларнинг ўтказилиш тартиби ва жараёни ҳақида муҳим маълумотлар берган.

Археолог олим В. Вяткиннинг Самарқандда Наврўзнинг кутиб олиниши билан боғлиқ қизиқарли маълумотлари эса ушбу байрамнинг таркибий қисмлари тўғрисидаги фикрларимизни янада аниқлаштириш имконини беради.

Умуман олганда, XIX аср охири – XX аср бошларида даврий матбуотда чоп этилган мақолалар хабар ёки маълумот шаклида берилган бўлса-да, муаллифларнинг ўша давр билан боғлиқ байрамларнинг шахсан гувоҳи бўлганликлари ёки ахборотчилардан олган маълумотлари билан қўлингиздаги қўлланма учун муҳим аҳамиятга эга манбалар вазифасини ўтади.

Ўзбек халқи анъанавий байрамлари борасидаги дастлабки илмий изланишлар XIX аср охири – XX аср бошларида Ўлкашунос, тарихчи, этнограф тадқиқотчилар ва мустамлака идораларнинг вакиллари томонидан амалга оширилган.

Рус шарқшунос олимлари К. А. Иностранцев ва А. А. Бобринский байрамларга доир айрим маълумотларни сосонийлар, Вахан ва Ишқошим тожиклари мисолида келтирганлар. Гарчи, мазкур тадқиқотчиларнинг ишлари айнан ўзбеклар турмуши билан бевосита боғлиқ бўлмаса-да, байрамларнинг келиб чиқиши ва ривожланиш жараёнини ҳамда уларни қиёсий жиҳатдан таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

XIX аср охири – XX аср бошларида амалга оширилган илмий тадқиқотлар, гарчи профессионал мутахассислар томонидан бажарилмаган бўлса ҳам, мавзу доирасида илк бора эълон қилинган илмий ишлар эканлиги ва шахсий кузатувлар асосида ёзилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Бирок, ушбу қайдномалар кўпинча мутахассислар томонидан йиғилмаганлиги боис, ўзбеклар анъанавий турмуш тарзининг ўзига хослиги ва маҳаллий хусусиятлари борасида батафсил маълумот бера олмайдиган тавсифий характердаги ёки узук-юлук маълумотлар мажмуидан иборат бўлиб қолган.

Инсоф юзасидан қайд этишимиз лозимки, мазкур маълумотлар ўзбек халқи байрамлари генезиси ҳамда эволюциясини ўрганишда ҳамда тегишли хулосалар чиқаришда катта амалий аҳамиятга эга.

Этнограф Е. М. Пешчереванинг Қўқон уездидаги Исфарада ўтказилиб келинган “лола сайли” тўғрисида маълумотлари ўзбек халқи анъанавий байрамларини ўрганиш жараёнида муҳим аҳамиятга молик. Жумладан, тадқиқотчи ушбу сайилнинг ўтказилиш тартиби, унда эркак ва аёлларнинг иштироки, сайил билан боғлиқ эътиқодий қарашлар, сайил давомида айтиладиган халқ оғзаки ижодиётига доир маълумотларни қайд этган.

Шу даврда фаолият юритган М. Гаврилов ҳам киш фаслида ўтказилувчи маросимлар тўғрисида бир қатор маълумотларни ёзиб қолдирган. Тадқиқотчи “яса-юсун” ва “гап-гаштак”ларнинг генезиси ҳамда ривожланиши борасида диққатга сазовор мулоҳазаларни баён қилган.

20–30- йилларда байрамлар тарихи, улар мазмун-моҳиятини ўрганиш борасида амалга оширилган тадқиқотларга коммунистик мафкуравий тазйик ҳали унчалик кучли бўлмаганлигини кузатамиз. Шу

боис, бу давр тадқиқотларидаги маълумотлар кейингиларидан бирмунча аниқлиги билан ажралиб туради.

XX аср 40–70- йилларида кенг кулоч ёйган, халқ ҳаётининг барча жабҳаларига таъсир этган коммунистик идеология тазйиқлари кўплаб миллий кадриятлар қатори анъанавий байрамларнинг ўтказилишига ҳам тўсқинлик қилган ҳамда кейинчалик айрим жиҳатларнинг халқ хотирасидан ўчишига олиб келган. Шундай бўлишига қарамай, мазкур даврда амалга оширилган тадқиқотларда анъанавий халқ байрамларини синфийлик нуқтаи назаридан ёндашилган ҳолда ёритишга ҳаракат қилинган.

Мазкур даврда Марказий Осиёдаги қўшни халқлар турмуш тарзидаги байрамлар этнограф мутахассислар томонидан анча яхши ўрганилган ва бу борада маълум натижаларга эришилган. Хусусан, Х. Аргынбаев ва Ж. Х. Кармишева, Д. Айтмамбетов, Т. Д. Баялиева, А. С. Бежкович, Л. Майский, Н. А. Кисляков, М. Р. Раҳимов, И. Муҳиддинов, Р. Р. Раҳимов, В. Н. Башилов сингари олимлар тадқиқотларида Марказий Осиё халқларининг қадимий ва исломлашган қарашлари, деҳқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ байрамлар билан боғлиқ урф-одатлар тўғрисидаги қизиқарли ва ибратли маълумотлар мавжуд.

А. Х. Ҳамроев Бухоро ҳудудларида қадимдан ўтказилиб келинган “қизил гул сайли” деб номланувчи маросимни жиддий равишда ўрганиб, гул сайлининг келиб чиқиши, ўтказилиш жараёни ва унинг халқ турмуш тарзидаги аҳамиятини ёритишга ҳаракат қилган.

Тадқиқотчи Р. Я. Рассудова эса Фарғона водийсининг суғорма деҳқончилиikka ихтисослашган ҳудудларида сув ҳавзаларининг ҳомий культлари, аҳолининг уларга нисбатан муносабати ҳамда қишлоқ хўжалигида жамоанинг ўрни ҳақида маълумотлар берган.

Академик К. Шониезовнинг бир қатор монография ҳамда илмий мақолаларида ўзбек халқи анъанавий байрамлари билан боғлиқ қимматли маълумотлар мавжуд.

Хуллас, кўрсатилган даврга тегишли мавзуга доир адабиётларда келтирилган маълумотлар миллий кадриятларнинг анчагина чекланганлиги, айниқса диний тусга эга бўлган байрамларнинг коммунистик мафкура таъсири натижасида асл моҳиятини йўқотганлигидан далолат беради. Шунингдек, бу даврда европаликларга хос бўлган бир қатор байрамларнинг кириб келиши ҳамда ўзбеклар турмуш тарзида ўзига хос ўрин эгаллаганлигини ҳам кўришимиз мумкин.

XX аср 80- йилларидан кейинги даврда ҳам ўзбек халқ анъанавий байрамларининг баъзи кўринишларини ўзида акс эттирган тадқиқотлар

амалга оширилган. Хусусан, Г. А. Брыкина ва Н. Г. Горбунова каби археологлар томонидан Фарғона водийси аҳолисининг қадимий деҳқончилик маданиятини археологик материаллар асосида таҳлил қилиш борасида катор фундаментал тадқиқотлар бажарилган бўлиб, улар зироатчилик билан боғлиқ байрам ва маросимларнинг тарихий илдизларини ёритишда ўзига хос аҳамиятга эга.

Умуман олганда, юқорида номи қайд этилган тадқиқотларда водийдаги деҳқончилик маданиятининг шаклланиш тарихи, зироатчилик маросимлари ва деҳқончилик билан боғлиқ қадимий культлар тарихига оид катор эътиборга сазовор мулоҳазалар билдирилган бўлиб, бу водий аҳли байрамларини қиёсий таҳлил этишга жиддий кўмак берди.

Этнолог О. Бўриев йил таквимида алоқадор Наврўз ва исломий маросимлар мазмун-моҳиятини тарихий манбалар асосида ёритиб берган. Бу эса асрлар бағридан келган шодиёна – Наврўз манбашунослигини ўрганиш жараёнида бирмунча қулайликлар тугдиради. Тадқиқотчининг *“Муродбахш кунлар”* номли рисоласида эса асосан Қамарий (Ой) таквим билан боғлиқ тасаввурлар ва мазкур таквим асосида ўтказилувчи турли исломий маросим ва байрамлар акс этган.

Умуман олганда, собик иттифок даврида этнографлар томонидан йил таквими билан боғлиқ маросимлар ва қарашларга оид бошқа ҳудудлар мисолида жиддий тадқиқотлар бажарилган. Чунончи, айнан мазкур даврда кўплаб китоб, рисола, мақолалар чоп этилган бўлса-да, уларнинг бирортаси ҳам *“Ўзбек халқи анъанавий байрамлари”* йўналишида бўлмаган. Айрим байрамларга диний тус берилиб, уларга партиявийлик, синфийлик нуқтаи назаридан муносабатда бўлинган. Хуллас, ўзбек халқи анъанавий байрамлари мазкур даврда ҳам умумлашган, яхлит равишда махсус ўрганилмаган.

У. Қорабоев ўзбек халқи байрамлари тарихи ҳамда ривожланиш босқичларига бағишланган тадқиқотни амалга оширган. Жумладан, Наврўз, Меҳржон, сайиллар (сув, гул, ковун...)нинг турли даврларда қай даражада нишонланганлигига алоҳида эътибор қаратган.

И. Жабборовнинг *“Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти”* номли ўқув қўлланмасида байрамларга оид қимматли ва эътиборга молик фикрлар мавжуд.

Фольклоршунос М. Жўраев кўплаб тадқиқотларида ўзбекларнинг анъанавий халқ байрамларига оид маълумотларни келтирган. Уларда ўзбекларнинг самовий тасаввурлари, мавсумий маросимлар – қишки,

бахорги, ёз ва кузги маросимлар ҳамда чорвачилик маросимлари фольклорининг жанрлар таркиби атрофлича ёритилган.

Этнолог А. Ашировнинг тадқиқотлари асосан ўзбек халқи қадимий эътиқодлари мавзуси доирасида бўлса-да, уларнинг деярли барчасида байрамларнинг тарихий илдизлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни учратиш мумкин. Муаллифнинг “*Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари*” деб номланган монографиясида ўзбеклар турмуш тарзига оид кўпгина тарихий-этнографик маълумотлар берилган. Бу эса, ўз навбатида, анъанавий байрамлар генезисини ўрганиш жараёнида энг зарур ва қимматли маълумотлар сифатида хизмат қилади.

Йилнинг биринчи чораги, яъни баҳор фасли турли-туман байрам ва маросимларга тўла давр ҳисобланади. Шунингдек, ушбу даврдаги маросимларда ўзбекларнинг табиат билан боғлиқ қадимий фалсафий қарашлари яққол намоён бўлган, шу сабабли булар доимо тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб этиб келган.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотларда байрамлар хусусида ҳам ҳолисона фикр-мулоҳазалар билдирила бошланди. Анъанавий байрамлар билан боғлиқ урф-одатлар, маросимларга оид изланишлар натижалари турли адабиётлар ва журналларда нашр этилган. Мазкур тадқиқотларда асосий эътибор локал урф-одат ва анъаналарга – Наврўз, деҳқончилик, чорвачилик, мавсумий маросимларга қаратилди.

Мазкур кўлланмада муҳим маълумотларни ўзида акс эттирган тарихий манбалар, турли даврларда яратилган асарлар, монографиялар, мақолалар умумлаштирилган ҳолда Наврўз айёмининг тарихи, мазмун-моҳияти, унинг бугунги маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва роли масаласини ёритишга ҳаракат қилинди.

ҚАДИМИЙ АҶДОДЛАРИМИЗ – ЗАРДУШТИЙЛАРНИНГ АЙЁМЛАРИ

Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошида умргузаронлик қилган аждодларимиз эътиқоди зардуштийликка асосланган эди.

Зардуштийлар дунё асосини икки қарама-қарши ҳодиса – эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуқлик, ёруғлик ва қоронғилик, нур ва зулмат, иссиқлик ва совуқлик, ҳаёт ва ўлим, тана ва жон, поклик ва ифлослик, эркинлик ва тобелик ўртасидаги азалий ва

абადий кураш ташкил қилади, деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун улар дунёдаги барча ижобий ҳодисалар – фазилатларни эзгулик худоси – Ахурамазда (Хурмуз) ва ҳамма салбий нарсалар – иллатларни ёвузлик худоси – Анхара-Майно (Ахриман) иродасига боғлиқ деб тушунганлар. Зардуш-тийлар эзгулик худосидан яхшилиқни тилаб, ёвузлик худоси инсонга ёмонлик қилмаслигини сўраб сиғинганлар.

Шунингдек, зардуштийлар эзгулик худоси Ахурамазда билан бирга, Митра (йигит қиёфасидаги куёш ва ёруғлик тангриси), Анахита (гўзал киз сиймосидаги унумдорлик, ҳосилдорлик, фаровонлик тангриси), Хумо (гўзал куш қиёфасидаги бахт, тақдир ва бойлик тангриси), Хубби (мард йигит қиёфасидаги сув тангриси), Миррих (ёш жангчи қиёфасидаги уруш ва ғалаба тангриси) кабиларга ҳам эътикод қилганлар.

Марказий Осиё халқларининг асосий одат, маросим ва байрамлари коинот, табиат, фасллар ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган. Борлиқдаги тўрт муҳим унсур (куёш, ҳаво, ер, сув)ни аниқлаш билан бир қаторда, улар билан боғлиқ тўрт улуғ кунни ҳам белгилаб, уни нишон-лашга одатланганлар. Масалан, табиат уйғониши, кун – тун тенглиги, дала ишларининг бошланиши палласида Наврўз; ёзда – куёш тик бўлиб, тун қисқа, кун узун давом этганида, ҳаво ҳарорати юқори даражага кўтарилиб, сувга эҳтиёж кучайганида сувга бағишланган тадбир – Ангом (Вахшангом); кузда кун – тун тенглашиб, йилнинг иккинчи ярми бошланганида, деҳқонлар даладаги ҳосилни йиғиб олган вақтда Меҳржон (Чири-руж, Ним-сарда); кишда – энг узок тун ва қисқа кун содир бўлиб, совук авжига чиққанида (“кишки чилла”), исинишга эҳтиёж кучайган пайтда Сада–Олов байрами (гулханларда исиниш) каби маросимларни уюштирганлар. Милоддан олдин пайдо бўлган бу байрамларнинг барчаси кишиларнинг табиий эҳтиёжлари асосида қарор топган.

Авестошунос Мери Бойснинг ёзишича, қадимда зардуштийларнинг қуйидаги еттита байрами (бу ҳақда юқорида фикр билдирилган) мавжуд бўлиб, бу байрамлар диний маросим шаклида нишонланган ва улар Ахурамазда шарафига бағишланган ибодат билан бошланган. Ибодатдан сўнг хурсандчилик, ўйин-кулги асосий ўрин тутадиган зиёфат ўтказилган. Байрамнинг кейинги қисмида ўйин, томоша, турлитуман кўнгилочар тадбирлар уюштирилган.

Берунийнинг ёзишича, сўғдийларда *Мавсард* ойининг биринчи куни – Наврўз ва 28- куни Ромуш оғам (оташхоналарда тўпланиш байрами); Нийсанж ойининг 12- куни – Моҳирж; Басоканж ойининг 7- куни –

Никҳ оғам; 15- кунӣ – Амсхвора (олов тегмаган нарсаларни ейиш байрами); Ашн-х-нда ойининг 18- кунӣ Бобохвора ёки бомихвора (узумдан сиқиб олинган тоза ширани ичиш байрами); Ф-ғ-кон ойининг 1- кунӣ – Ним-сарда (йил ярми); Ж-м-д-н-ж ойининг 24- кунӣ – «Бод омком»; Х-ш-н-м ойининг охирида вафот этган кишиларни хотирлаб, аза тутиш кунӣ каби байрамлар ўтказилган.

Беруний хоразмликлар тантаналарига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, улар қуйидаги байрамларни ўтказишга одатланишганини таъкидлаган: Навсаржи ойида Йил боши (Наврўз); х-р-в-дод ойининг 1- кунӣ Арижо-сувон (иссиқ кийимдан чиқиш, очилиш ҳайити); чири ойининг 15- кунӣ – Ажор (қуз охирида оловда исиниш ҳайити); А-х-ш-р-в-и-р- ойининг 1- кунӣ – Ф-б-р-и-х ёки Ф-а-р-у-ба (совуқ келиши билан Хоразм подшоларининг шаҳар четига чиқиб, эл-юртни ёвдан ҳимоя қилиш кунӣ); Умри ойининг 1- кунӣ – Аздоқандхвор (совуқ тушиш билан олов ёқадиган уйларда ўчоқлар атрофига йиғилиб, ёғлик нон ёпиш кунӣ); 13- кунӣ – Чири-руж (йил ярми); Рим-ж-д ойининг 15- кунӣ «Мина кечаси» (эрта баҳорда тунда совуқда қолиб ўлган аёл хотираси муносабати билан ўтказиладиган ҳайит); Исфандарможи ойининг 4- кунӣ – Хеж, 10- кунӣ – Вахшангом (сувга эътиқод қилиш кунӣ); 20- кунӣ – Инга (бир-бирига яқин уйлар қуриш кунӣ) байрами кабилар.

Беруний хоразмликлар байрамини икки турга бўлган:

1. Табиат ҳодисаларига бағишланганлари: йил боши байрами (Наврўз), очилиш байрами, гулханда исиниш байрами, ёғлик нон ёпиш кунӣ, Мина кечаси ва ҳоказолар.

2. Диний маросимлар (исломгача бўлган даврда) арвоҳлар учун қабрларга овқат қўйиладиган кун ва бошқалар.

Миллоддан аввалги замонларда Эрон, Сўғд ва Хоразмда зардуштийлик тақвими (календари)дан фойдаланилган. Йил фаслларидаги ҳар бир ойининг ўз байрамлари ва машҳур кунлари белгилаб қўйилган. Масалан, Берунийнинг қайд этишича, «Фарвардин моҳ – ёз боши, тир моҳ – куз боши, меҳр моҳ – киш боши, дий моҳ – баҳор боши эди. Уларнинг ойлари ичида тўрт фаслга қараб ишлатиладиган (ҳайит) кунлари бор эди».

Умуман олганда, йилнинг мазкур даврида ўтказилувчи урф-одат ва маросимларда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий ва абадий кураш турли шаклларда ўз аксини топган.

Шарқ халқлари, жумладан, Марказий Осиё аҳолиси ҳам амал қилган қуёш тақвими баҳорги тенг кунлик (21 март)дан бошланган ва

янги йил байрами – *Йилбоши* (*сўздийларда – Навсард, хоразмликларда – Новосор-жи*), *Наврўз* (*Нав – Янги, рўз – кун*) номлари билан байрам килинган. Ҳозирда ҳам катта тантаналар билан нишонланувчи улғу байрам – Наврўз Шарқ халқлари орасида макон ва замон ҳақидаги дастлабки тасаввурлар пайдо бўлган замонлардан бошлаб шаклланган. Ҳақда давр карашларига кўра, йил киш ва ёздан иборат бўлиб, узок давом этган совук ва очликдан сўнг иссиқ кунларнинг бошланиши ўзгача кайфиятда, катта тантаналар билан кутиб олинган ҳамда байрам килинган.

Ўрта аср муаррихи Наршахий Наврўзнинг байрам қилина бошлаганига “...уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди”, деб ёзган бўлса, замонамиз тарихчилари турли археологик материаллар ва тарихий манбаларга асосланиб унинг илдизи неолит даврига бориб тақалади, деган хулосани билдирадilar.

Аждодларимизнинг қадимги тақвими Наврўздан бошланган. Наврўз байрамини нишонлаш одамларнинг Ер сайёраси ҳақида, унинг коинотдаги ўрни тўғрисида мулоҳаза юрита бошлаган даврига тўғри келади. Бошқача қилиб ифодалганда, Наврўз Ер ҳақидаги дастлабки илмий-географик тасаввурлар пайдо бўлган замонлардан бошлаб шаклланган. Бундан 4 – 5 минг йил илгари аждодларимиз Куёшни энг буюк куч, ҳаёт чашмаси, ёруғлик ва иссиқлик манбаи, деб билганлар ва унга атаб махсус маросимлар ўтказганлар. Шу йўсинда митраизм – куёшпарастлик, унинг заминида эса оташпарастлик шакллана бошлаган. Зардуштийлар оловни куёшнинг ердаги зарраси – фарзанди ҳисоблаб, киш ва эрта баҳордаги маросимларда катта гулханлар ёки киш совуғини унинг ёрдами билан «ҳайдашган» ва кўкламни «чақиришган». Бу маросимлар эса турли баҳор байрамларининг шаклланишига асос бўлган.

Меҳнаткаш халқ ҳаётида муҳим ўрин тутган баҳор байрамлари янги меҳнат мавсуми бошланишидан дарак берган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, баҳорни кутиб олиш байрамлари барча халқларда қадимдан мавжуд бўлган. Халқларнинг дунё бўйлаб тарқалиши натижасида баҳор байрамлари барча ҳудудларга ёйилган ва кейинчалик бу анъаналар барча халқларда турли меъёр ва шаклларда уюштирилган. Кўпгина халқларда қишни кузатиш ва баҳорни кутиб олиш анъаналари энг йирик байрамларга айланган. Байрамлар турли гуруҳлар ҳаётида ўта муҳим аҳамият касб этган ҳужалик фаолияти – деҳқончилик билан бир вақтда шаклланган.

Миллий байрамлар ҳар бир этноснинг гурури ва ифтихори, ўз маданияти ва ютуқларини намоёниш қилиш шакли, қолаверса, шодиёна кун и ҳисобланади. Улар кишиларни эзгуликка қорлайди. Айниқса, баҳорий байрамлар ўзининг шуқуҳи, нафосати ва қайфияти билан кишиларни асрлар давомида руҳлантириб қелган ҳамда янги марраларга сафарбар этган. Шу боисдан ҳам дунёнинг барча халқларида қадимдан баҳор кириб қелишини қутиб олиш байрамлари бўлган. Улар инсоният вужудга қелиши билан пайдо бўлган ва қабилаларнинг тарқалиши натижасида анъаналар ҳам бошқа жойларга қўчиб, турли номлар билан атала бошлаган.

Масалан, японларда – «Риссон», хитойларда «Чульцзе», славянларда «Масленница» деган ном олган. Ҳиндистонликларнинг Наврўзга ўхшаган, баҳор ойида нишонланадиган бир неча байрамлари бор. Улар – табиатнинг уйғониши билан боғлиқ, халқ орасида кенг тарқалган ва расмий суратда нишонланадиган – «Дивали», «Холи», «Дашера» байрамларидир. Дивали байрамида бозорлар хилма-хил шаклдаги қандолат маҳсулотлари билан тўлиб қетади. Шунинг учун ҳам болалар бу байрамни сабрсизлик билан қутадилар. Улар учун хилма-хил попуқлар, хўроз ва фил шаклидаги турли жониворлар тасвирида ширинликлар тайёрланади.

Британия оролларида ҳам баҳор байрамлари мавжуд. Улар қўпгина аломатлари ва сирли ҳаракатлар билан бошоқли ўсимликларнинг тезроқ ўсишига қўмақлашиш ниятидаги турли расм-русумлар орқали ўтказилади.

Наврўз байрами Туркиянинг ҳар бир вилоятида турлича нишонланади. Анатолия (Онадўли) ҳудудидаги Газиентеп вилоятида 22 март кун и «Султон Наврўз» номи билан юритилади. Маҳаллий аҳоли орасида кенг ёйилган фикрга қўра, 22 мартга ўтар тунда осмонда Ғарбдан Шарққа томон такинчоқларини жаранглатиб, Султон Наврўз исмли бир гўзал қиз ўтади. Ушбу ҳудуд аҳолиси бу тунда бедор бўлган кишиларнинг ҳамма тилақлари рўёбга чиқади, деб ишонадилар. Ўрта Анатолияда эса Наврўз «Март тўққизи» деб аталади.

Эронликлар бўлса янги йил кириб қелишидан олдин ўз уйлари, ҳовлиларини супуриб-сидириб, рўзғорда ишлатиладиган барча буюмларини яхшилаб тозалайдилар. Улар бу одатни «Хонэ такони» («Уй тозалаш») деб атайдилар. Наврўз байрами арафасида янги қийим-кечак сотиб олиш ҳам эронликларга хос урфдир.

Индонезияда Соко такими бўйича нишонланадиган Нъепи байрами қуруқ мавсумга тўғри қелади. Минг орол мамлақати – Ороллар

NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI

Ahborot-resursi markazi 21151

NAMANGA
UNIVE

Ahborot-resursi

даги Ҳиндистон – Индонезияда барча бир-бирининг устидан сув сепиб, денгиз худоси Барунани шарафлайди.

Непалда бўлса айнан Наврўз кунига тўғри келадиган Холи байрамида гулханлар ёкилади. Барча кишлоқларда экин майдонлари худоси Бхумидевтдан мўл-кўл ҳосил инъом этишни сўрайдилар.

Доғистонда Наврўз «биринчи шудгорлаш кун», аварларда «оцбай», дарғинларда «киу бахруми», лакларда «карас ишву» деб аталган. Доғистонда биринчи шудгорга бутун овул йиғилган. Кўш хўкизлари бўлса бамисоли кўғирчокдек безатилган. Биринчи шудгорга сепиладиган буғдой эзгу ниятда, умум манфаатини кўзлаган ҳолда ҳар бир хонадондан бир сиқимдан олинган.

Қадимги Хитойда эса ўтмиш замонларда қўшга хўкиз ўрнига янги келин-куёвлар қўшилган. Шундан сўнг оммавий сайиллар бошланиб, унда кўплаб ёшларнинг никоҳ тўйлари ўтказилган. Замин ҳосилдорлигини ошириш ниятида ёш келин-куёвлар биринчи никоҳ кечасини янги ҳайдалган дала олдидаги сайилгоҳда ўтказганлар.

Юқорида келтирилган далиллар шундан далолат берадики, энг қадимий даврларда одамлар деҳқончилик билан шуғуллана бошлагач, далаларда янги мавсум бошланишидан аввал ўзига хос баҳор байрамларини нишонлаганлар. Шундай қилиб, меҳнат – бу байрамнинг бош манбаи, асл замири ҳамда илк сарчашмаси ҳисобланиб, байрам (ёки «байрам ҳолати») ибтидоий даврдан бошлаб «яшаш учун кураш» – меҳнатнинг натижаси шаклида вужудга кела бошлаган.

Баъзи этнограф олимлар, жумладан Н. П. Лобачеванинг фикрича, қадимдан Ўрта Осиёда йил боши баҳорга тўғри келган. Сосонийлар сулоласи даврида (III аср) йил боши ёз фаслига, куёшнинг тик туриш кунига (ҳозирги 21– 22 июнга) кўчирилган. Бироқ, ой тақвимига ўтилганидан кейин, йилнинг биринчи ойи яна баҳорга, тун ва кундуз барабар бўлган кунга (22 мартга) кўчирилган. Бу масала хусусида Беруний шундай ёзади: «Наврўз... ўтмиш замонларда... куёшнинг саратон буржиги кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра, у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда уйғониш мавсуми бошланишидан то насл вужудга келгунча давом этган вақтда келади. Шунинг учун «Наврўз» оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган».

«Наврўз»нинг пайдо бўлиши ҳақида кўплаб афсоналар, ривоятлар, мифлар мавжуд. Масалан, зардуштийлар даврида эзгулик худоси

Ахурамазда (Хурмуз) баҳор, ёзда, ёвузлик худоси Анхарамайню (Ахриман) – кузда ва кишда ҳукмронлик килади, деган қараш мавжуд бўлган. Баҳорнинг биринчи куни эзгулик худоси ёвузлик худоси устидан ғалаба қилган муқаддас сана сифатида байрам қилинган. Бу сана айнан «Наврӯз» кунига тўғри келган.

Наврӯзга оид афсона ва ривоятлардан кўпгина маълумотларни олиш мумкин. Улар орасида зардуштийлар даврига оид Ахура Мазда ва Ахриман билан боғлиқ ривоятлар, шунингдек Одам Ато ва Момо Ҳавонинг учрашган куни ҳақида афсона ҳамда бошқалар муҳим аҳамиятга эга.

Наврӯз ҳақидаги аждодлардан мерос ривоятлар муҳим бир ҳақиқатдан, яъни унинг Шарқ кишиларининг энг эзгу хоҳиш ва истаклари, ўйлари ҳамда ҳаёт тажрибаларидан туғилганлигидан далолат беради. Масалан, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида афсонавий баҳодир, жасур ва пок ниятли инсон (Кайковуснинг ўғли, Афросиёбнинг куёви) Сиёвуш ўлими ва унинг ўлимига халқ эҳтироми Наврӯзга сабаб бўлганлиги таъкидланган:

*Қайгаким тўкилмиш Сиёвуш хуни,
Кўкка буй чўзди бир дарахт шу кунни.
Баргларида гўё унинг чехраси,
Мушку атр гўё унинг чехраси.
Дарахт кўм-кўк турар ҳатто қишда ҳам,
Тагида подшоҳга тутишар мотам.*

Сиёвуш «Авесто»да Сиёваршан исми билан маълум. Бобокалон китобнинг Яшт бўлаги Ҳуварно қасидаси (19-яшт, Замяд яшт) 12-бўлим, 77- бандида Қавай Ҳусров ўз отаси Сиёваршан учун қасос олганлиги мавзуси ўз аксини топган. Ривоятларга кўра Сиёвуш Хоразм давлатига мил. авв. XII асрда асос солган. Сиёвуш Туронда ажойиб бир шаҳар бунёд этган, бу шаҳар Қангдиз ёки Қанту Сиявахш деб аталган. Сиёвушнинг Сиёвушгирд шаҳрини бино қилганлиги масаласи «Шоҳнома»да батафсил ёритилган. Афсонавий сулола асосчиси Сиёвуш милоддан аввалги I асрдан то милодий VIII асрга қадар Хоразмда зарб этилган тангаларда худо – суворий тимсолида тасвирланган.

Маҳмуд Қошғарий Сиёвушнинг қайнотаси – Афросиёб масаласига аниқлик киритиб шундай ёзади: «Тўнга шер ботир, баҳодир, филни ўлдирувчи энг кучли ҳайвондир. Туркларнинг машҳур ботир хони Афросиёбни Тўнга алп эр деб аташлари ҳам унинг шерга ўхшаш баҳодирлиги учундир... Қоз – Афросиёб кизининг исми. Эрондаги Қазвин шаҳрини у қурдирган. Бу сўзнинг асли «Қоз ўйини» – «ғоз

ўйнайдиган» жой демакдир. Чунки Қоз шу ерда турар ва шу ерда ўйнар эди».

Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида ёзилишича. «Бухоро аҳолиси Сиёвушнинг ўлдирилиши тўғрисида ажойиб ашулалар тўкиганлар... Бухоро оташпарастлари унга атаб ҳар бир эркак киши ҳар йили Наврўз куни куёш чикишидан олдин ўша жойда биттадан хўроз сўяди».

Хитой муаррихларидан бири Вей-Цзе кадимги самаркандликларнинг Наврўзи ҳақида бундай ёзганди: «Олтинчи ойнинг биринчи куни уларда йилбоши ҳисобланади. Ўша куни подшо ҳам, халк ҳам ўзларининг янги либосларини киядилар, соч-соқолларини олдиришади. Улар шаҳарнинг кунчиқар тарафидаги бир дарахтзор ёнидаги майдонда тўпланишиб байрам киладилар. Етти кун мобайнида мохир тирандозлар от чоптириб туриб, ўз камонларидан нишонни мўлжаллаб ўқ отиш баҳсида катнашадилар. Еттинчи кун нишон ўрнига олтин танга қўйилади ва ушбу нишонни бехато урган карағай мерган бир кун шохлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Улар Кўк тангрини мўътабар тутадилар ва унга ўз эҳтиромларини ифода этадилар. Айтишларича, илоҳий маъбуд еттинчи ойда ҳалок бўлган ва унинг суяклари йўқолгани туфайли, бу маъбуд культига топинувчи одамлар ҳар йили ўша ойнинг бошида қора кийим киядилар, далаларда яланг оёқ йиғлаб юриб, маъбуднинг хоқини ахтарадилар. Еттинчи куни йилбоши байрамнинг тантаналари ўз ниҳоясига етади».

Панжикент шаҳри харобаларидан топилган VII асрга оид деворий суратларнинг бирида Сиёвуш ўлими билан боғлиқ аза маросими тасвирланган. Унда тобут атрофида сочларини ёйиб, гиря қилаётган аёллар сурати чизилган. Демак, Наврўз эл суйган қахрамонлар хотирасини эъзозлаш билан ҳам боғлиқ айёмдир. Биз ҳар йили Наврўз кунларида азиз марҳумларнинг руҳини ёд этарканмиз, бевосита ривоятлар маъзига васиятдек сингдириб қолдирилган ўша кўҳна инсоний анъаналарни давом эттирган бўламиз. Сиёвуш хазонларга рўй бермай, қайта уйғонган табиат, ҳаёт рамзидир. Халк Сиёвушни мангуликка, мангуликни эса Наврўзга қиёс қилган.

Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи этнослар байрамларини ўрганишда Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асари ўта муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Бу асарда қадимий эронийлар, хоразмийлар, сўғдийлар, румликлар, яҳудийлар, ҳиндлар ва бошқа халқлар тақвимлардаги машҳур кунлар, ҳайитлар, одатлар ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Беруний келтирган афсона бўйича Наврўзнинг келиб чиқиши инсоният учун улкан ишларни амалга оширган Жамшид шоҳ номи билан боғланади: «Жамшид ўзига арава ясаб олгач, ўша куни аравага чикиб олди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбованддан (Дамованд тоғи) Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшидга (аравада учишига) таклид қилиб аргимчоклар учдилар».

«Шоҳнома»да ҳам шундай гоя илгари сурилган:

*Тахт кўкда чарх урар мисоли қуёш,
Фармондор ўтирар, унда ирғаб бош.
Барча жам, одамлар қарар тахтига,
Жаҳон қойил бўлиб шуқуҳ-бахтига.
Жамшидга сочишар олтину гавҳар,
Шу кунни янги йил – байрам дейишар.
Йил боши Хурмузу эди фарвардин,
Дилда на гам қолди, на адоваткин.
Улуглар шодлик-ла базм қурдилар,
Юзларин чолғуга, майға бурдилар.*

(Изоҳ: Ўша замонларда Фарвардин шамсий йилнинг биринчи ойи (21 март – 21 апрель). – Муаллифлар.)

Умар Ҳаём «Наврўзнома» рисоласида ёзишича: «Жамшид... байрам қилишни одатга айлантирди. Подшоҳлар ва бошқа одамлар ҳам уни қабул қилдилар. Ажам подшоҳлари шу пайтда Офтобни улуглаш учун, шунингдек, ҳар ким бу кунни тополмаслигини ҳисобга олиб, уни белгилаб қўйдилар. Байрам жорий этдилар ва ҳамма бу санага риоя қилсин деган мақсадда барчага маълум қилдилар».

«Авесто» Ром қасидасида (4- бўлим, 15- банди) шундай дейилади: «Яхши сурув соҳиби Жамшид юксак, саросар порлоқ ва заррин Ҳукар тоғи этагида олтин тахт, олтин ёстик, олтин фарш ва ёйиб қўйилган барсам хузурида қўлларини ёзиб уни олқишлади ...». «Авесто» бўйича (Ясна, 9- хот, 4- банд) «Жамшид ўз шаҳриёрлигида жонварлар ва одамларни ўлим билмас, сувлар ва гиёҳларни қуримайдиган ва емишларни мўл-кўл айлади».

«Яшт китоби»да Жамшид хусусида шундай дейилади:

*Қўнди Йима Хшайатиға
Подалари тўқ, семиз –
(Ернинг илк подшоҳиға).
Узоқ муддат шоҳ бўлди,
Етти кишвар шод бўлди.*

(Изоҳ: Ҷима Хшайатийа – «Авесто»да Ахура Мазда ӯзидан хабар берган подшо этиб тайинланган. Унинг «Шоҳнома»даги номи Жамшид. – Б.И., Н. И.). Подшоҳ сӯзи «Авесто»да патихшайти – «нурафшон зот» деб тушунилади. Зардуштийлар нуктаи назарига кӯра бу хислат эзгулик ва ёруғлик тангриси Ахура Маздадан ато бўлади.

Қадимги афсоналардан яна бирига кӯра Наврӯзнинг урф бўлишини оловнинг кашф этилиши билан боғлаш ҳам ӯзига хос мантиққа эгадир. Айтишларича, Жамшид кунларнинг бирида Мозандарон ўрмонларида товушқон овлаб юрган экан, иттифоқо бир сеҳрли илонни кӯриб қолиб ўша заҳотиёқ унга қарата камондан ўқ узибди. Илон бир қоятошнинг остидаги ковакка кириб, кӯздан ғойиб бўлибди. Жамшиднинг камонидан узилган ўқ эса тошга тегиб, ундан учкун чиқарибди. Учкунлардан бири тош ёнидаги курук хас-чўпларнинг устига тушиб ёна бошлабди. Одамлар шу дамгача олов нималигини билишмас экан, шу боис гулханни кӯрган ҳамма бу мўъжизадан лол қолиб, дарҳол унга сажда қилибди. Шу-шу одамлар оловни муқаддас билиб, уни ўчирмасликка ҳаракат қилишибди. Жамшид оловни кашф этган кунни эса «Янги кун» сифатида байрам қила бошлабдилар.

Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асаарида ҳам Жамшиднинг буюқ ихтиролари сўнгида Наврӯз байрами кашф этилгани баён қилинган. Жамшид «Чихил минор» номли одамзод кӯрмаган ва ақл бовар қилолмайдиган баланд бино куриб... «бу иморат туганди. Ул вақтким, қуёш нукта эътиқодли равийга таҳвил қилиб эрди, ул бинода тахт устида ўлтириб, адолат сайт ва садосин оламга мунташир қилди ва ул куннинг отин Наврӯз қўйди».

Турк олими Абу Холиқ Жой томонидан оммалаштирилган бир афсонада айтилишича, бутун рўйи заминни сув босиб, тўфон бўлганида, Нуҳ пайғамбар ҳар турли жонзотдан бир жуфтдан олиб, ӯзига хос сувости кемасида сузиб юрган экан. Бир куни у атрофда куруклик бор-йўқлигини билиб келиш учун қалдирғочни учириб юборибди. Бир маҳал ҳалиги қалдирғоч тумшугида бир гиёҳни кўтариб учиб келибди. Бу ҳолат ўз-ўзидан шу яқин орада ер борлиги, гиёҳ эса қўқлам келганлигини англатади. Нуҳ қалдирғоч кўрсатган томонга қараб сузиб бориб, сув ўртасидаги заминни кўрибди. Кемадаги барча жонзот ерга тушиб, тўфон азобидан қутилибдилар. Сувдан курукликка чиқилган ўша кунни «Янги кун» дея байрам қилишга одатланибдилар.

«Наврӯз»нинг пайдо бўлиши ҳақидаги бу каби афсоналарни турлича талқин қилиш мумкин. Бирок, «Наврӯз»нинг қачон ва қандай вужудга келганлиги вақтини аниқ кўрсатиш қийин. Шундай бўлса-да,

ишонч билан айтиш мумкинки, бу байрам доно кишилар томонидан кашф қилинган. Чунки, «Наврўз» коинот ва табиат қонуниятлари, яъни куёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча ва кундузнинг вақт жиҳатидан баробар бўлиши, кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланиш юз бериши, баҳорнинг келиши билан боғлиқ равишда илмий асосланиб белгиланган. Бу эса ҳар қандай жамиятда «йил боши» (қачон келишидан катъи назар) «Наврўз»ни табиат байрами сифатида нишонлаш учун асос бўлган. Аслида «Наврўз» ибтидоий жамоа даврида одамлар деҳқончиликка ўрганганидан сўнг улар далаларда янги иш мавсуми бошлашдан олдин ўтказадиган баҳор байрами сифатида шаклланган.

Замонлар ўтиши билан бу байрам такомиллашиб, унга мос кун аниқланган. У «йил боши» сифатида белгиланиб, унга «Наврўз» (яъни «Янги кун») деган ном берилган.

Милоддан аввал қўлланила бошлаган зардуштийлик тақвими бўйича ҳозирги февраль ойининг биринчи кунда «Кичик Наврўз» (ёки «Оммавий Наврўз») бошланиб, олтинчи кунда «Катта Наврўз» (ёки «Махсус Наврўз») уюштирилган. Сосонийлар сулоласи даврида эса бу икки «Наврўз» бирлаштирилиб, кичик ва катта «Наврўз» ўртасидаги барча кунлар байрам, деб эълон қилинган.

Муайян даврларда «Наврўз» байрамини нишонлаш бир ойгача чўзилган. Бу ҳақда Беруний куйидагиларни баён этади: «Кейинги подшоҳлар бу ой, яъни фарвардин моҳнинг барча (кунлари)ни ҳайитга айлантириб, уларни олтига тақсим этдилар. Биринчи беш кун подшоҳлар учун; иккинчиси – улуг кишилар учун; учинчиси – подшоҳларнинг қуллари учун; тўртинчиси – хизматкорлар учун; бешинчиси – халқ оммаси учун; олтинчиси – чўпонлар учун».

Подшоҳлар ўзлари учун белгиланган биринчи беш кунни куйидаги тартибда, яъни биринчи кун «подшоҳ наврўз кунни ҳайитини бошлаб, одамларга ўзининг халқни қабул қилиши»ни билдиради. Иккинчи кун мартабаси жуда юқори кишилар..., деҳқонлар (Изоҳ: у даврларда “деҳқон” деганда – ҳозиргидек ҳосил етиштирувчи зироаткорни эмас, кишлок ҳукмдорлари тушунилган. – Муаллифлар) ва (машхур) хонадон аҳллари (қабул қилиш), учинчи кунни отлиқ сипоҳлар ва улуг донишмандлар, тўртинчи кунни ўз уйидагилар, яқин ва хос кишилар, бешинчи кунни эса ўз ўғиллари ҳамда қарамоғидаги кишилар (қабул этиш) учун ўтиради. Олтинчи кун... ўзи учун наврўз қилади».

Подшо бундай қабуллардан жуда катта фойда орттирган. Чунки, у «келувчиларнинг мартабаларига қараб, уларнинг ҳадяларини ҳузурига

келтиришга буюрган ва ҳадяларни диққат билан текшириб, хоҳлаганларини тақсим қилиб берган, хоҳлаганларини хазинасига қўйган».

Исломгача бўлган «Наврўз» байрамининг оддий халққа тегишли одатлари ҳам диққатга сазовордир. Ўша замонларда «Наврўз» куни одамларнинг бир-бирларига шакар ва ширинликлар ҳадя қилиши (хаётингиз ширин бўлсин, деган маънода), гуллар тақдим этиши (гўзал бўлинг, маъносида), бир-бирларига сув сепиши (бу йил сув кўпайсин, ҳосил мўл бўлсин, маъносида) каби одатлар кенг тарқалган.

Наврўз куни ширинликлар ейиш энг муҳим удумлардан бири бўлган. Беруний маълумотларига кўра: «Наврўз куни тонг отганда биров гапиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак (хушбўй) мум тутса, бу кўп касалларга шифо бўлади... «Наврўз»нинг олтинчи куни, яъни «Катта Наврўз» куни тонгда ... гапиришдан олдин шакар татиб, ўзига зайтун (ёғи) суртган кишидан шу йилнинг ҳаммасида турли бало даф этилади».

Ривоятлардан бирида одамларнинг бир-бирларига шакар ҳадя этишлари ва уни байрам кунлари махсус татиб кўришлари сабабли Наврўз куни шакар пайдо бўлган, дейилади.

Наврўзга тайёргарлик кўришда бугдой ёки арпа донини ёғоч идишда ўстириб, баҳор даракчиси сифатида дастурхон марказига қўйиш одати ҳам бўлган. Умар Ҳайёмнинг ёзишича: «Ажам подшоҳлари униб чиққан арпанинг яхши аломати бор, деб ҳисоблаганлар... Арпа дориликка ҳам, емакка ҳам ярайди... Йилнинг яхши ёки ёмон келиши арпага қараб аниқланади. Агар арпа тик ва қалин ўсса, бу йил серҳосил, агар қийшиқ ва яккам-дуккам ўсса, демак йил камҳосил бўлади... Мункайган чоллар арпа билан фол очадилар ... Фарвардин ойида айрим аёллар қизларига атаб арпани ток сувига хўллаб экадилар... Ажам подшоҳлари ҳар йили Наврўзда фойдали ва қутлуг бўлгани учун арпадан баҳраманд бўлишни истар эдилар».

Аждодларимиз байрам арафасида етти хил дон (бугдой, арпа, нўхот, жўхори, гуруч, мош, ловия)дан гўжа тайёрлаб, уни кўни-кўшни, қариндош-уруғларга тарқатганлар. Бундан ташқари «С» ҳарфи билан бошланадиган етти хил ўсимлик (сиб – олма, сабзи, сир – саримсоқ, сирка, сатортошгул, сиёҳдон – қора данак, синжид – ёввойи зайтун кабилар) уруғидан ўстирилган кўкатлар билан дастурхон безатилган. Эронликларда ҳанузгача «сўфрейэ ҳафт син» («етти син дастурхони») зиёфати мавжуд. Дастурхонга номининг бош ҳарфи арабча «син» бўлган етти нарса қўйилади. Булар саккэ (танга пул), сиб (олма), сир (саримсоқ пиёз), санжед (жийда), саману (сумалак), сабзэ (кўкатлар),

самоқ (тотим) ва бошқалардан иборат. Шунингдек, Куръони Карим, сув тўла идиш, кизил балик, гул, кўзгу, шам ва товук тухуми ҳам ушбу дастурхонга албатта қўйилиши лозим бўлган нарсалар жумласига киради.

Ота-боболаримиз Наврўз дастурхонига турли қуритилган мевалардан тайёрланган шарбат, бўялган тухумлар ва бошқа ноз-неъматлар қўйганлар. Байрам дастурхонига қўйиладиган яна бир нарса киши дикқатини ўзига тортади. Бу катта идишга сув тўлдириб, унга кўк барг (кўкат) солиб қўйишдир. Бу одат янги йил сувга ва экинга мўл бўлсин, деган орзу-ниятнинг рамзий ифодаси бўлган.

Шарқ мамлакатлари ҳаётида муҳим ўрин тутган ҳамда тадқиқотчилар томонидан турли тарихий даврларда кенг қўламда ўрганилган ва турлича талкин қилинган Наврўз байрамида ўзбекларнинг асрлар давомида шаклланиб келган фалсафий, тарихий ва миллий қарашлари намоён бўлади.

Ўзбекистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида туб аҳолининг урф-одатлари, анъаналари ва маънавияти азалий бирлаштирувчи омил бўлган. Миллати, тили ва динидан қатъи назар Наврўзни баҳор ва хурсандчилик байрами сифатида нишонлаш бугунги ҳаётнинг ёрқин тимсолига айланиб бормоқда. Бундан ташқари 21 март 1966 йилдан буён БМТ Бош Ассамблеяси қарорига биноан «Халқаро ирқий камситилишларни тугатиш учун кураш куни» сифатида ҳам нишонланмоқда. Айнан Наврўз мазмунан шундай вайронкор гоёлар ҳисобланмиш ирқчилик, фашизм, шовинизм, ақидапарастликнинг барча шаклларига мутлақо зиддир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъбири билан айтганда: «Наврўз – биз учун баҳор ва уйғониш, яшариш, янгиланиш, меҳнат ва бунёдкорлик фаслидир.

Наврўз – биз учун асрлар давомида халқимизнинг онгу тафаккурига, руҳиятига, бутун ҳаётига бекиёс таъсир ўтказиб келаётган бетакрор, ўзига хос бир оламдир.

Наврўз – биз учун ўзаро меҳр-окибат, кадр-қиммат, хайру саховат рамзидир».

Наврўз ҳар қандай мафқурадан, сиёсатдан холи бўлиб, эл руҳини кўтаришда ва мустақамлашда, халқни истикболдаги буюк мақсадлар сари сафарбар этишда, мамлакатимизда кечаётган ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга йўналтиришдаги муҳим омил сифатида хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг «Наврўз халқ байрамини ўтказиш
яқунлари тўғрисида»ги Фармонида байрамнинг ҳақиқий моҳияти очиб берилган: «Наврўзнинг байрам қилиниши теран халқ анъаналари, ерга ва табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, деҳқон меҳнатини ҳурмат қилиш, яхши кўшничиликка, меҳр-мурувватга ва бошқаларнинг дардига малҳам бўлишга интилишлари тикланишининг қудратли омили бўлмоқда. Наврўз халқ байрамининг инсоний ва байналминал моҳияти ҳам ана шундадир».

Ҳақиқатан ҳам, Наврўз – табиатнинг уйғониш, яшариш фасли. Табиат уйғонар экан, инсон руҳи ҳам янгиланади. Шу билан бирга инсон билагига куч, юрагига янги интилиш, ҳаётига янги умид ва орзулар кириши табиийдир.

Зардуштийлар тақвимида ой номлари кун номларида ҳам такрорланган. Ой билан бир номдаги кун байрам ҳисобланган. «Авесто» Фарвардин қасидасида (3- бўлим, 28- банд) «Мазда ... осмон, замин, сув ҳамда гиёҳларни асрашга даъват қилди», дея эл экологик огоҳликка чорланган. Шу боисдан ҳам «Етти буюк яшт» қисмида (44- банд) шундай дейилади:

Сувлар қуюлгувчи тоғларни олқишлаймиз.

Сувлар туққувчи дарёчаларни олқишлаймиз,

Судбахш бугдой далаларини олқишлаймиз...

“Ясна” ва “Мансур яшт”лар («Етти буюк яштлар»)да ҳам ушбу ғоя ўз аксини топган: «Ниҳоят сувларни олқишлаймиз. Куйи окгувчи, йиғилгувчи ва равон окгувчи, ахуравий эзгу ниятли сувларни мадҳ этамиз.

– Эй, сувлар!

Сизлар яхшилик билан равонасиз, хилқатни ювиб, пок этасиз ва икки жаҳон саодатига сазоворсиз.

Биз сизларни эъзозлаймиз».

Қадимдан Ота Маконимиз халқларининг сувга бўлган эътиқоди жуда баланд эди. Шу боисдан ҳам Беруний «Қадимги халқлардан колган ёдгорликлар»да қадимги «Наврўз» одатларининг бири ҳақида: «Одамлар шу кунни тонг пайтида ўринларидан туриб канал ва ҳовузларга борадилар. Кўпинча оқиб турган сувларга рўпара туриб, баркамол бўлиш ва офатларни даф этиш учун устиларидан сув қуядилар», деб ёзганди.

«Авесто» Ясна қисмида (6- хот, 14- банд) қайд этилган: «Сувлар, заминлар ва гиёҳларни олқишлаймиз» шиори барчага дахлдор бўлган.

Шуни таъкидлаш лозимки, «Наврӯз» куни одамларнинг бир-бирига сув сепиш одати Ота Маконимизда яқин даврларга қадар сақланиб келганди. Ўзбекистон ҳудудининг лалмикор ерларида ҳатто сув сепиш одати асосида қадимдан махсус уюштириладиган «Сув хотин» («Суст хотин») маросими ҳам шаклланган эди. Оксоқоллар кўрсатмасига биноан қишлоқ аёллари катта кўғирчоқ ясашиб, унга қари кампирнинг кўйлагини кийдиришган, сўнгра махсус кўшиқлар куйлаган ҳолда, кўғирчоқни далалар, кўчалардан кўтариб ўтиб, ҳар бир хонадонга олиб кирганлар. Уй эгалари уларни хурсандлик билан қаршилаб, албатта кўғирчоқ устидан сув сепганлар. Ўз имкониятлари доирасида хайр-эҳсон қилганлар.

Масаланинг эътиборга молик жиҳати шундаки, 21 март 2002 йилдан бошлаб жаҳон миқёсида “Халқаро кўғирчоқбозлар куни” сифатида ҳам кенг нишонланмоқда.

Уйғурлар янги йилни «Наврӯз» эмас, «Зара хатми» деб атайдилар. Бу байрамнинг ўтказилиши қурғоқчилик билан боғлиқ. Бинобарин, «Зара» уйғурчада «ёмғир» дегани. Демак, «хатми» сўзини арабчадан тилаш, илтижо деб таржима қилсак, «ёмғир тилаш» дегани бўлади. У фақат қурғоқчилик йилларидагина ўтказилади.

Баҳорий маросимлар таркибига кирувчи ёмғир чақириш маросимлари қадимдан чорвачилик ва лалми деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган.

Масаланинг ҳозирги даврга ҳам боғлиқ жиҳати шундаки, 1992 йилдан бошлаб БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Конвенцияси иштирокчилари қарорига биноан 22 март – “Халқаро оби ҳаёт куни” сифатида жаҳон миқёсида нишонланмоқда.

Байрамлар, юқорида қайд этилганидек, ҳар бир фаслнинг ўзига хос хусусиятини акс эттириши баробарида, асосан инсон фаолиятини мадҳ этишга қаратилган. Бу жиҳатдан исломгача бўлган кузги байрамларнинг иккитаси, айниқса, диққатга сазовордир. Уларнинг бири – «Тиргон» (ёки «рўзи тир»)дир. «Тир», «тирама» сўзи ҳозир ҳам «куз» деган маънони билдиришини ҳисобга олсак, бу ҳақиқий куз байрами эканлигини билдиради. Бруний «тир» сўзининг маъносини «дахуфазлик» ва «деҳқончилик» билан боғлайди. У бу ҳақда шундай деб ёзади: «Дахуфазлик» – дунёни сақлаш, уни кўриқлаш ва дунёда ҳукмдор бўлиш, шунингдек, «деҳқончилик» эса дунёни обод этиш, экин экиш ва дунёни тақсим этиш – иккиси эгизак бўлиб, дунё шулар билан обод ва доим барқарор бўлади, унинг бузуқлиги тузалади».

Қадим замонларда Тиргон катта байрам бўлиб, ўша куни барча қосиблар ва деҳқонлар янги кийим кийиб юришган. Бу байрамда бугдой ва мевалардан махсус таом тайёрланиб, дастурхонларга тортилган. Баъзи жойларда эса шу куни чўмилиш одати бўлган. «Тиргон»нинг мазмуни ва одатлари унинг «куз боши»да йиғим-терим бошланишидан олдин ўтказиладиган байрам эканлигидан далолат беради.

Куз мавсумида нишонланадиган катта байрамлардан яна бири – Меҳржон (ёки Меҳрғоҳ, Хоразмда – Чирируж, сўғдийларда – Нимсарда) бўлган.

Меҳржон сўзи «жон севгиси», шунингдек, «куёш» деган маънони билдиради.

Берунийнинг ёзишича, «Куёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир». Чунки, Наврўз баҳорда кун ва туннинг барабар келганида, Меҳржон эса кузда нишонланадиган байрам бўлган.

Наврўз куни табиатда жонланиш бошланса, Меҳржон кунига келиб, ўсимликларнинг ўсиши жараёни ниҳоясига етган. Бу вақтда ҳайвонларда ҳам жинсий фаоллик сусайган.

Беруний бу икки байрамни бир-бири билан таққослаб, ярим ҳазил ривоятни келтиради: «Бир гуруҳ кузни баҳордан ортиқ билганидек, улар Меҳржонни Наврўздан ортиқ билганлар. Буни исботлашда Искандар Арастудан, у икки куннинг қайсиси афзал деб сўраганида унинг: «Эй подшоҳ, баҳорда ҳашаротлар пайдо бўла бошлайди, кузда эса улар йўқолиб кетади. Демак, шу жиҳатдан куз баҳордан афзал», – деган жавобига асосланадилар».

Баҳорда кичик ва катта «Наврўз» бўлганидек, бу Умри (Меҳрмоҳ) ойининг 16- кунда Кичик Меҳржон ва 21- кунда Катта Меҳржон байрами ўтказилган. Меҳржон байрамини подшоҳлар ва Эрон мамлақати шаҳар аҳолиси бутун ой давомида нишонлаган. Меҳржон байрамини ўтказишда ҳам худди Наврўздагидек турли табақага мансуб кишилар учун беш кундан ажратилган.

Меҳржон байрамидан сўнг қадимги аждодларимиз кишга тайёргарлик кўра бошлашган. Хуросон подшоҳликларида шу куни отлик аскарларга кузлик ва кишлик кийим бериш расм бўлган.

Сўғдийлар ҳам бундай байрамни кенг нишонлашган. Улар байрамнинг биринчи кунини «ним сарда» деб аташган. Бу «йил ярми» деган маънони англатган. Иккинчи кунини «М-н-и-д-хвора» деб номлашган. Бу кун одамлар «оташхоналарга йиғилиб, кўнок уни, ёғ ва шакардан тайёрланган овқат ейишган».

Хоразмликлар эса Умри ойининг 12- кунда байрам қилишиб, уни Чир-руж деб атаганлар. Беруний хоразмликлар «бу ҳайитни худди эронликлар меҳргонни улуғлаганидек улуғлайдилар», деб таъкидлайди.

Милоддан аввалги 329 – 327 йилларда Марказий Осиё жануби-ғарбий қисмини Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) босиб олган ва юнон-македон подшоҳлари ҳукмдорлиги 150 йил давом этган. Тарихчи Плутарх Искандарнинг маҳаллий халқ урф-одатлари, маданиятига чуқур ҳурмат билан қараганлигини алоҳида таъкидлаган. «Ҳатто, – дейди у, – Александр Македонский варварларнинг миллий кийимларини кийиб юришни маъқул кўрди,... македон жангчиларига ҳам ерли халқ урф-одатларини ўрганишни таъкидлади». Юнон-македонлар маданияти Ўрта Осиё маданиятига ўша замонларда маълум даражада ўз таъсирини ўтказган.

Эрамиздан аввалги даврларда аجدодларимиз узум, мевалар пишган пайтда қадимги юнонларнинг «Дионис» байрамига ўхшаш байрамни ҳам нишонлаганлар.

«Дионис» ёки «Вакх» байрамлари Ўрта Осиёда Александр Македонский (Искандар) ҳукмронлик қилган даврда пайдо бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Лекин, академик С. П. Толстов ва бошқа тадқиқотчиларнинг таъкидлаши ҳамда Хоразм, Каттақўрғон ва Термиз атрофларидан топилган археологик топилмаларга қараганда ўлкамизда узум пишиқчилигига бағишланган байрам юнонлар қелишидан аввал ҳам бўлган.

Эллин (юнон, грек)ларда йилда икки марта – кузги (23 сентябрь) ва баҳорги (21 март) кун – тун тенглиги кунларида мусаллас ва узумчилик илоҳи Дионисга сиғиниш билан боғлиқ бўлган катта оммавий сайиллар ўтказилган. Мазкур маросимлар иштирокчилари Дионис ва унга қариндош ҳисобланган иккинчи даражали илоҳлар – Пан, Селен, сатирлар – эчки кўринишида томоша майдонига чиқишган. Мазкур байрамларда намоёиш этиладиган томошаларда эчки образига алоҳида эътибор берилган. Чунки, эчки қуёш илоҳининг тотеми ҳисобланиб, у баҳор хабарчиси, гоҳида эса Дионис деб тушунилган. Кузги кун – тун тенглигидан сўнг, кунларнинг аста-секин қисқариб, тунларнинг узун бўла боришига атаб, эчки қурбонлик қилинган. Бу эса қуёш илоҳининг ўлимини аңлатган. Вакх (маишатбозлик) қахрамонларининг кичик ҳайкалчалари Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти худуди (Зартепа, Холчаён, Далварзинтепа) ҳамда Хоразмдаги археологик ёдгорликлардан топилган.

Шарқ халқларининг деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолиси ўртасида хазон бўлиш ва қайта туғилиш билан боғлиқ илоҳларга сиғиниш урф-удумлари эллинизмдан аввалроқ вужудга келган. Юнон илоҳлари, жумладан Диониснинг ўз шарқона «эгизаклари» билан бирлашиб кетиши асоссиз содир бўлмаган. Диониснинг Ўрта Осиё халқлари турмуш тарзига тез фурсат ичида кириб келишига унинг маҳаллий сиғиниш объектлари билан қариндошлиги асос бўлган.

Берунийнинг ёзишича, сўғдийлар Аши-х-ида ойининг 18- кунида «Бобахвара» («Бомихвора») номли байрам қилганлар. «Бобахвара» сўзи узумнинг сиқиб олинган тоза ширасини ичиш деган маънони билдирган.

Шу ойнинг 26- кунида улар «Гарм-Хвара» – узум ейиш байрамини ҳам нишонлашган. Еттинчи ойнинг 15- кунини яна узумга бағишланган кўп кунли байрам бошланиб, у кейинги ойнинг 9- кунини якунланган. Ушбу факт боғдор-чиликда мохир бўлган сўғдийларда узумга ва узум шарбатидан тайёрланган мусалласга бағишланган яхлит бир тизимни ташкил этувчи байрамлар бўлганидан далолат беради.

Зардуштийлик динининг асосий моҳияти оловга ижобий муносабат билан боғлиқ бўлган. Зардуштийларда олов кишиларни ҳар қандай гуноҳдан покловчи куч, деб қаралган. Шунинг учун ҳам бу динга эътиқод қилувчилар ўзгалар томонидан «оташпарастлар» деб аталган. Олов билан боғлиқ маросимлар ва байрамларнинг оммалашishi сабаблари ҳам аجدодларимиз-нинг зардуштийлик динига эътиқод қилганига бориб тақалади.

Аждодларимиз куёшдан таралаётган иссиқлик, ёруғлик бўлмаса, бутун борлик зимистонга айланиб, ҳаёт тўхтаб қолишини англаб етганлар. Шу сабабли, улар қиш совуқлари тезроқ тугаб, илик баҳор келишини орзиқиб кутиб, ўз тушунчаларидаги ёруғлик ва иссиқлик манбаи – Куёшга атаб махсус маросимлар яратганлар. «Оташ», «Куёш», «Нур», «Рўшнолик» зардуштийлик динининг тимсоллари бўлса-да, лекин зардуштийлар ҳеч қачон бевосита куёш, оловга сиғинмаганлар. Фақат куёш, ёруғликка қараб ибодат қилганлар, сайил ва тўйларда ўртада гулхан ёкиб, атрофида ракс тушганлар, марҳумлар руҳини шам ёкиб, шод этганлар.

Агар баҳор охири ва ёзда сувга эътиқод қилиш одатлари кенг тарқалган бўлса, кеч куз, қиш ва эрта баҳорда уюштирилладиган барча байрам ва маросимларда олов ёки гулхан ёқиш асосий таомилга айланган. Зардуштийлар ўзларининг байрам ёки маросимларини ўтказиш учун доимо ўт ёниб турадиган «оташхона»ларга йиғилишган.

Масалан, Бухорода маъжусийлар Новсард ойининг 28- кунида ўтказадиган «Ромуш оғом» номли байрамда оташхоналарга тўпланишган ва уни ёниб турган гулхан атрофида нишонлашган.

Беруний Оғом байрами ҳақида шундай ёзади: «Оғом ҳайитлари улар учун энг азиз байрамлардан бўлиб, ҳар бир кишлоқда ўтказилади, улар ҳар қайси кишлоқ раиси ҳузурига йиғилдилар ва еб-ичадилар...».

Зардуштийликнинг энг йирик байрамларидан бири *Сада* деб номланган. У, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида маълум қилинишича, оловнинг кашф этилишига бағишланган байрамдир. *Сада* Эрон куёш календарининг 11- ойи – бахманнинг 10- кунида байрам қилинган.

XX аср бошларига қадар Фарғона водийси аҳолиси кишки юз кунлик муддат тугаганидан сўнг “Сади пок” бўлди – киш тугади деб, март ойининг ўнинчиларида, бошқа маълумотларга кўра, Ҳамалнинг биринчи кунида “Сафар қочди” маросимини ўтказганлар. Тарихий манбаларда “Сада” – “Юз” байрами, яъни кишки юз кунлик муддатнинг тугаши зардуштийларнинг энг катта байрамларидан бўлган.

Фирдавсийнинг “Шоҳнома” китобида ёзилишича, “Сада” эронликларнинг куёш таквими бўйича ўн биринчи ойи – бахманнинг ўнинчи кунида байрам қилинган. Бунда одамлар олов ёкиб, киш захрини даф этиш учун тутаткилар тутатадилар, ҳатто шу кеча олов ёкиб алангалатиб, шу оловга ёввойи ҳайвонларни ташлаб, аланга ичига паррандаларни учириб ва (олов) атрофида ичимликлар ичиб, ўйин-кулги қилганлар. Сада олови қанчалик баланд бўлса, келгуси йилда ҳосил ҳам шунчалик юкори бўлади, деган тасаввурлар бўлган. Бу маросим Эроннинг баъзи бир шаҳарларида ҳозирга қадар ҳам ўтказилади.

Мазкур маросимлар қадимий эътиқодий қарашларнинг қолдиқлари бўлиб, олов билан боғлиқ бундай урф-одатлар дунёнинг барча халқларида мавжуд ва кундалик турмуш тарзида ҳам жуда кўп учрайди.

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича: *Сада* байрами бу бахман ойининг ўйин, томоша ва хурсандчилик авжига чиқадиган ўнинчи кунидир. Сада – форсча «сад» сўзидан бўлиб, Наврўзга қадар эллик кун ва эллик тун қолганлигини англатади. Қадимги хоразмликларнинг «Чири» маросимига ўхшаб кетадиган бу байрамнинг пайдо бўлишини Беруний шундай изоҳлайди: «Чирининг ўн бешинчи кунини «ажғор»дир, маъноси шуъла, олов ёқишдир. Қадимги замонларда бу байрам биринчи марта олов ёқишга эҳтиёж сезилганида пайдо бўлган».

Зардуштийлар куёшни барча мавжудотлар, жумладан, ҳаёт манбаи деб англаганлар. Ер эса куёш нурларини қабул қилиб олувчи аёл сифатида тасаввур қилинган. Бу тасаввурлар янада равшанлашиб, Ер

ҳосилдорлик маъбудаси Она Худо – Анахита тимсолида тушунила бошлаган.

Аждодлардан мерос, бугун дунёнинг 50дан зиёд давлати олимлари томонидан жиддий равишда ўрганилаётган «Авесто»да Ахура Мазда Зардуштга карата: – Эй, буюк Зардушт, сен мени улуғламокчи бўлсанг, Анахитани мадҳ этишинг лозим, чунки:

*У падарлик нутфасини яратувчидир,
У яратгай бу оламда бор аёл жинсин,
Тузруқ учун волидалик бағр-огушини.
Тўлғоқ дардин осон айлар аёл зотининг,
Ҳам муайян вақтда лим-лим сутга тўлдирар
Она кўксини...*

Шу сабабдан ҳам:

*Ардви Сура хизматиға
Ахура тўрт от берди.
Бир тулпори Ёмғирдир,
Бири Ел, Бири Булут,
Тулпорлари Ёмғир, Ел...*

(Изоҳ: Анахита «покиза» маъносига эга сифат бўлиб, Ардви Сура исми билан кўшиб қўлланган, бугунги кунда ҳам Хоразмда ақли-хушли, шаддод кизларга нисбатан Онакути сифати қўлланади. – Муаллифлар).

Ривоятларга кўра қадимги Хоразм давлати пойтахти «Кўйқирилган қалъа» марказий майдонида ҳосилдорлик маъбудаси Анахитанинг 6,5 метр баландликдаги ҳайкали бўлган. У диаметри 12 см. келадиган биллур ушлаган қўлини марказий оташкада (ибодатхона) туйнуғи устида шундай ҳолатда тутиб турганки, биллурга тушган куёш нури факат 21 мартдагина туйнук ичкарасида қаланиб турган куруқ ўтинни ёндирган. Бу олов муқаддас ҳисобланиб, йил давомида ўчирилмаган. Кишилар шу кунни эзгулик, поклик олиб келувчи янги кун сифатида орзикиб кутишган ва нишонлашган.

Йил мобайнида ишлатилган оловдан охириги марта сумалак тайёрлашда фойдаланилган. Хоразм воҳасининг кўпчилик жойларида сумалак тайёрланадиган қозон тагидаги оловни бирон-бир хонадон ўчоғида ёниб турган оловдан тутатқич олиб келиб ёндириш одатлари ҳанузгача сақланиб қолган.

Ердаги ҳаётнинг бош манбаи бўлмиш Куёш нуридан Анахита қўлидаги биллур оркали ерга олов олиб борилишида жуда чуқур рамзий маъно бор. Ўша замонларда Куёшга «худонинг жамоли» сифатида

қаралган, лекин ҳар қандай олов ҳам муқаддас ҳисобланавермаган. Агар шаҳар, қишлоқ ёхуд ўрмонга йилдирим (чакмоқ) орқали ўт кетса, бу фалокат Қуёшдан эмас, балки Ахура Маздага қарши турган, зулмат, ёвузлик кучларига раҳнамолик қилувчи Ахриманнинг қора нияти амалга ошганлигидан дарак берувчи белги сифатида қаралган.

Мавжуд манбалар бу байрам киш мавсумида ўтказилганлигини билди-ради. Бироқ, баъзи тарихий асарларда бу байрам киш аввалида, бошқаларида – қаттиқ совуқ кунлар бошланиши («чилла»)дан олдин, яъни энг қисқа кун ва энг узоқ тун бўлганида (ҳозирги 22 декабрда), яна бирларида эса (жумладан, Берунийнинг асарида) кишки совуқлар тугагандан сўнг ўтказилиши ҳақида маълумотлар берилади. Бундан келиб чиқадики, киш вақтидаги барча байрамларда олов, гулхан ёки одат бўлган. Уларнинг энг каттаси *Сада* бўлган бўлиши мумкин.

Исломгача бўлган даврда булардан бошқа диққатга сазовор ва қизиқарли байрамлар ҳам кўп бўлган. Улардан бири аёллар байрамидир. Бу байрам исфандармўз ойининг 5- кунда нишонланиб «рўзи исфандармўз» деб аталган. Бу ҳақда Беруний: «Ўтмиш замонларда бу ой ва кун хотинлар ҳаётига хос бўлиб, эрлар уларга эҳсон қилар эдилар», – деб ёзади. Исфандармўз сўзининг маъноси «ақл» ва «мулоҳаза» демакдир («Исфандармўз» ифбатли, эрига садоқатли хотинга вакил қилинган фариштанинг номи ҳамдир). Демак, тарихий факт ва далиллар, ҳозирги даврда ҳам баҳор ибтидосида кенг нишонланаётган Хотинқизлар айёмининг илдизлари аждодларимиз замонида бориб тақалишидан гувоҳлик беради.

Ҳозирги давр учун қизиқарли ва зарур байрамлардан бири – бу Мурод ойининг 7- кунда ўтказиладиган – «Мурдоданган» ҳайити бўлиб, у ўзига хос тинчлик байрами ҳисобланган. Берунийнинг қайд қилишича, «Мурдоданган»нинг луғавий маъноси «ўлимсиз мангу ҳаёт» демакдир.

Аждодларимиз этикоди асосида вужудга келган зардуштийлик дини тарихда қолди. Бироқ бу динга хос кўпгина одатлар, байрамлар, расм-русумлар ҳозирги пайтгача ҳам сақланиб қолган. Албатта улар ичида энг каттаси Наврўз байрамидир. Шу билан бирга, касалликнинг олдини олиш ёки ундан сақланиш учун исирик тутатиш, турли маросимларда шам ёки тўйларда гулхан атрофида айланиш, ўт атрофида кечки базмлар уюштириш, чавандозларнинг катта гулхан алангаси устидан сакраш уйинлари, баъзи беморларнинг шифо топиш мақсадида гулхан устидан ҳатлаб ўтишлари, чакалоқни олов устидан

Ўтказиб олиш, муқаддас дарахтлар шохига турли латталардан «алам» боғлаш каби удумларни ҳозир ҳам учратиш мумкин.

Куёшни озодалик билан кутиб олиш, тонгдан ҳовлини тозалаш, уйни супуриш, ювиниш, ўчоққа ўт ёқиш, олов ёрдамида озиқ-овқатларни зарарсизлантириш, кул, турли гиёҳларни тутатиш кабилар ҳам зардуштийлардан мерос одатлардир.

Зардуштийлар одатлари аجدодларимизнинг бебаҳо тарихий меросидир. Албатта, ҳозирги даврда зардуштийларнинг барча урф-одатларини қайта тиклаш ва турмушимизга жорий этишга эҳтиёж мавжуд эмас. Бирок, аجدодларимизнинг барча анъаналарини ўрганиб, билиб қўймоғимиз даркор.

ЎРТА АСРЛАРДАГИ АНЪАНАВИЙ БАЙРАМЛАР, НАВРЎ ТАОМЛАРИ, УДУМЛАРИ ВА ҲАМ

Ўрта асрлардан тарихий тараққиётнинг ўзига хос янги босқичи бошланган. Ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, маънавий-диний ҳаётда, жумладан, байрамларни ўтказишда ҳам жиддий ўзгаришлар юз берган. Бу даврга келиб, халқнинг табиий-ҳаётий эҳтиёжи асосида пайдо бўлган қадимий байрамлар жиддий қаршилиқларга учраб, ҳаётда ўз маъносини сақлаш учун курашишга мажбур бўлган. Чунки, айтилган Марказий Осиё халқлари ҳаётига ислом дини билан бирга, унга хос байрамлар ҳам кириб келган. Шунингдек, давлатчилик ривожини натижасида мамлакат ва унинг раҳбарлари ҳаёти билан боғлиқ маросим-байрамлар ўтказиш анъанаси кучайган.

Ўрта аср байрамлари тарихида Ўрта Осиёга ислом дини билан кириб келган байрамлар алоҳида ўрин тутди. Чунки, бу байрамлар ўрта асрлардан бошлаб, аجدодларимиз ҳаётига жуда кучли ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий таъсир кўрсатган.

Маълумки, исломда асосан иккита расмий диний байрам мавжуд бўлиб, улар катта байрам – Қурбон ҳайити (арабча номи – «ийд аль кабир», «ийд аль-адҳо») етти кун, ҳозир уч кун – ҳижрий зу-л-ҳижжа ойининг 10 – 13 кунларида ва кичик байрам – Рўза ҳайити (арабча номи «ийд ас-сатир», «ийд ал-фитр») ҳам уч кун – шаввал ойининг 1–3-кунларида нишонланган.

Ислом байрамлари Муҳаммад пайғамбар томонидан қуйидагича таърифланган: “Ҳар бир миллатнинг ўз байрами бор. Мусулмонлар байрами рўза ва қурбон байрамидир”. Бу байрамларнинг асосий мазмуни

эрталаб масжидларда намоз ўқиш, марҳумларни ёд этиб, дуои фотиҳа қилишдан иборатдир. Қурбон ҳайтида ҳаж амалларини адо этиш ва қурбонлик қилиш, рўза ҳайтида эса рамазон ойи ниҳоясида «оғиз очиш» маросими, фитр-садақа бериш каби амаллар бажарилган.

Исломда кейинроқ яна бир байрам – Мавлуд (мавлуд ан-набий) – Муҳаммад пайғамбарнинг туғилган куни (Роби ан – аввал ойининг 12-куни) нишонлана бошланган. Мавлуд куни дуолар ўқилиб, пайғамбар шаънига мадҳиялар айтилади, диний шеърлар ўқилади, диндорлар йиғинлари уюштирилади, садақалар берилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ислом дини байрамларига маҳаллий халқларнинг одатлари ҳам қўшилиб, уларни бойитган. Масалан, арафа куни кўшниларга ош улашиш, «ҳайитлик» бериш, янги, тоза либослар кийиш, кўни-кўшнилари, қариндошлар, қариялар, касал (хаста, бемор), етим-есир, бева-бечора, ночорлардан хабар олиш, ўша кунларда дам олиш, сайил қилиш каби одатлар ислом байрамларининг таркибий қисмларига айланиб кетган.

Шу билан бирга Наврўзни нишонлаш анъанаси бутунлай йўқолиб кетмаган.

Наврўз айёми билан боғлиқ турли воқеа-ҳодисалар, уларнинг талқинлари жуда кўп бўлиб, барчаси инсонларнинг ўзаро дўстона, тинч-тотув ва осойишта яшашлари, ободончилик, мўл-кўлчилик йўлида меҳнат қилишлари, табиат ва жамиятдаги янгиликлардан ҳайратланиб ва қувониб, шодон турмуш кечиришларига, бир-бирларига яхшилик истаб яшашларига чорлайди.

Помир атрофи халқлари тасаввурларига кўра янги йилни хушчакчак кайфиятда, тўқ ҳолда кутиб олмақ лозим. Шундагина бутун йил мобайнида сиҳат-саломат юриш мумкин ва ҳосил ҳам мўл бўлади, деб ҳисобланган.

Айнан шундай ғоя Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» асарида ҳам ўз аксини топган: «Подшоҳларнинг бир одати бор: йил бошида улар яхшиликка фатво бериш ва саналарни белгилаш ҳамда маишат учун маълум маросимлар ўтказиши зарур. Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди. Подшоҳлар учун бу одатни олимлар белгилаб беришган».

Ҳаётда ушбу байрам билан боғлиқ ҳолда ҳанузгача сақланиб келаётган аждодлар анъаналаридан бири янги туғилган болаларга Наврўз исмини қўйиш одатидир. Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухорода Наврўз куни туғилган бўлса, асосан ўғил болаларнинг, Фарғона водийсида эса, кўпинча қизларнинг исми Наврўза қўйилади.

Лутфийнинг «Гул ва Наврӯз» достонида Фаррух шоҳ ўгли байрам кунни туғилгани учун исмини Наврӯз қўйган. Достонда шундай байтлар бор:

*Чу Наврӯз ўлди Наврӯз ичра фируз,
Ота ўглининг отин қўйди Наврӯз.
Улуста мустаҳиқларни қилиб шод,
Ҳамул дам бандиларни қилди озод.*

Яъни, шоҳ эл орасидаги энг муносиб кишиларни тақдирлаб, бандиларнинг – маҳбусларнинг гуноҳидан кечади. Шоҳнинг бу илтифоти фақат ўғил кўриб қувонганидангина эмас, балки қадимдан Шарқда Наврӯз кунни маҳбусларни авф этиш (амнистия) анъанаси бўлганлигидир.

Наврӯз ҳақидаги (Ал-аҳодис ан найрӯзия деб аталувчи 10та) ҳадислар бизнинг давримизгача қадимий қўлёзмаларда етиб келган. Наврӯз ҳадисларининг 70 та хосияти машҳур олим Абул Лайс Самарқандийнинг «Бўстони фикҳ» китобида баён этилган. Аждодларимиз одоб-ахлоққа оид бу каби ҳадисларни ўрганиб, ўз маънавий оламларини бойитганлар. Ҳақим ат-Термизийнинг қўлёзмаларда сақланган «Наврӯзнома» рисоласи «Мажмуат ур рисолайи туркий» номли китобда (Тошкент, 1912.) нашр этилган. Бу рисолада Наврӯз тарихи эмас, балки унинг хислатлари хусусида маълумотлар берилган. «Тарихи Табарий», Маъсудийнинг «Муруж ал-заҳаб», Ибн Балхийнинг «Форснома», Муҳаммад Ҳусайн Бурхоннинг «Бурхони қотиъ» асарларида ҳам Наврӯз хусусида маълумотлар келтирилган. Улар асосан Жамшид ҳақидаги ривоятлардан иборат. Эл орасида «Наврӯз ҳикматлари» ҳам кенг тарқалган.

Ўрта асрларда араблар байрамларнинг диний мазмунига алоҳида эътибор бериб, байрамлар ўтказиладиган жойларга махсус масжидлар қуришган. Кейинчалик бу масжидлар Ўрта Осиё шаҳарларининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолган. Улар Қурбон ҳайити, Рамазон (ийд-ал-фитр) байрамлари ва мусулмон удумлари ўтказиладиган марказ вазифасини бажарган. Бу масжидларнинг моҳияти бир хил бўлса-да, улар турли жойда турлича номланган: «Намозгоҳ» (намоз ўқиш жойи), «Мусал-лаал-ийд» (байрам кунни намоз ўқиш жойи), «Ийдгоҳ» (байрам ўтказиш жойи) ва ҳоказо.

Байрамлардан асосий мақсад – халқни ислом дини асосида бирлаштириш бўлган. Байрам ўтказиладиган жойларда мажлис, намоз ва қурбонлик каби диний анжуманлар уюштирилган. Баъзан шоҳлар ва ҳукмдорлар ўз олижаноблигини кўрсатиш мақсадида бу жойларда халқ учун катта зиёфатлар ҳам беришган. XI аср тарихчиси Байҳакийнинг

маълумот беришича, Ғазна шахри атрофидаги мусаллада намоз ва курбонликлардан кейин Амир Масъуд зиёфат уюштирган. Зиёфатда қатнашганлар шарбат ва ўша давр ғазналиклар саройидаги удумга кўра май ичишган, мусиқа чалишган, кўшиқ айтишган, шеърлар ўқишган. Амир Масъуд одамларга ҳадялар берган.

Шаҳар чеккасида барпо этилган масжидларда асосан дин, давлат арбоблари, амалдорлар ва такводор кишилар тўпланиб, байрам қилишган.

Барча ҳукмдорлар ўз давлатлари пойтахтига машҳур олиму санъаткорларни тўплашга, маросим, байрамларни тартибли ва кўнгилли ўтказиш мақсадида махсус сайилгоҳ, томошагоҳ, кўшк, боғлар қуришга ҳаракат қилишган. Ўша даврда Термиз шаҳрида ҳам кўплаб ажойиб санъаткорлар тўпланган. Байҳакий Амир Масъуднинг бир неча қайиқларга тушиб, карнай-сурнайлар садоси остида, ўйин-кулги билан Термиз кўрғонига келгани ҳақида бундай ёзади: «Овқатлана бошладилар, қадахлар айланди, кемаларда мутрибларнинг ашулалари янгради, кирғоқда эса термизлик мутриблар, раққослар ва ногорачилар – 300дан ортиқ киши ишга киришди: чолғулар чалинди, рақсга тушилди. Мен Термизда кўрганларимни бошқа жойда кўрмаганман. Созу наво, ўйин-кулги шу даражага етдики, бунақасини илгари ҳеч ким билмас эди».

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштирадиган бўлсак, ислом динидаги байрамлар хурсандчилик, тинч-тотувлик, меҳр-окибат кўрсатиш, шукрона қилиш кунларидир. Бу улуғ кунларда қариндошлар, ёр-биродарлар бир-бирларини зиёрат қилишиб, табриклашиб, ҳол-аҳвол сўраши хайрли ишлардан саналади.

Шу билан бирга қайд этиш лозимки, ўрта асрлар мобайнида ҳам Наврўз маълум даражада исломга мослаштирилган ҳолда нишонлана-верган.

Наврўз деганимизда кўз олдимизда унинг лаззатли таоми – сумалак жонланади. «Сумалак сайли» (ёки «Сумалак базми») Наврўзнинг «шоҳона таоми» – сумалак тайёрлаш, сумалакхўрликка бағишланган маросимдир. «Сумалак» калимаси «шарбат учун ундирилган арпа» ёки буғдой маъноларини англатувчи қадимий туркий сўз «сума»дан келиб чиққан. Муҳаммад Ҳусайн Бурхоннинг «Бурхони Қотъи» асарида (1650 й.) «саману» сўзи учрайди ва у ҳолвайтарга ўхшаш нарса, уни кўклаган буғдой ширасидан тайёрланади, деб изоҳланган.

Халқ орасида юрган ривоятларнинг баъзилари тарихан асосланганлиги ва ҳақиқатга яқинлиги билан киши диққат-эътиборини ўзига тортади. Улардан бирини Сизнинг ҳам эътиборингизга ҳавола этмоқ-

чимиз: Дехкон уруғликка олиб кўйган донини эрта баҳорда тезроқ экиш ниятида ҳаммадан олдин сувга ивитиб қўяди. Лекин, бекарор об-ҳаво бирдан бузилиб, қор ёға бошлайди. Буғдой бўлса ивитилган идишда ниш уриб ўсишда давом этаверган. Оила аъзолари томонидан «илик узилди» даврига зўрға етиб келинган пайтда буғдойни бутунлай нобуд бўлишига йўл кўймаслик чоралари қидирилади. Дехкон бўлса таваккал қилиб, ниш урган ва анча бўй кўтарган буғдой майсаларини киймалайди ҳамда уй бекасидан бундан таом пиширишни илтимос қилади. (Шу ўринда айнан «илтимос қилди» ибораси киши дикқатини ўзига тортади. Одатда, эр хотиндан «илтимос» қилмайди, кўпроқ буюради. Милоддан аввалги 4–3 минг йилликларни ўз ичига қамраб олган матриархат (она уруғи ҳукмронлиги даври) неолит – янги тош асрида (мил.авв. VI – IV минг йилликлар) ўзининг энг гуллаган даврини бошидан кечирган. Дехқончилик ва чорвачилик айнан неолит даврида аёллар томонидан кашф этилган. Ўша замонда жамиятда аёллар ҳукмрон бўлган. Агар юкоридаги воқеа кейинроқ, яъни мил. авв. III минг йилликдан бошланган патриархат (ота уруғи ҳукмронлиги даври) бўлганида эди, дехқон хонадон бекасига «буюрди» деган сўз қўлланган бўларди. – Муаллифлар изоҳи).

Бека майса қиймасини қозонга солиб, узоқ вақт қайнатади. Қарангки, оқ кўнгил дехқоннинг нияти холис чиқади. Ҳиди ёқимли, ўзи тўйимли, мазаси эса тановул қилган кишининг узоқ вақт эсида қоладиган даражадаги янги таом дунёга келади. Натижада, уларда келгуси йил кўкламида ҳам яна шундай таомдан баҳраманд бўлиш иштиёқи туғилади. Ушбу таом эса эл орасида кенг тарқалиб, баҳорнинг энг лаззатли таомига айланади.

Кейинчалик дехқонлар донни фақат уруғлик учунгина эмас, балки сумалак пишириш учун ҳам сақлаб қўядиган бўлганлар. Уруғликка олиб қўйилган дондан мўл-кўл ҳосил кўтарилса, сумалак учун асралганидан эса ўзларининг соғлиги, тетиклиги ва бардамлигини сақлаш ниятида ҳаётбахш таом тайёрланган.

Сумалак тановул қилган кишиларда соғлом руҳий кайфият пайдо бўлишини аждоқларимиз қадимдаёқ яхши англаб олганлар. Шу боисдан ҳам қадимдан сумалакнинг асосий маҳсулоти бўлмиш буғдой илоҳий ва табаррук ўсимлик ҳисобланган. Зардуштийликда буғдой ва буғдойдан яралган неъматлар илоҳий саналиб, эзгулик рамзи сифатида улуғланган. Шу сабабдан ҳам ҳанузгача Наманган вилоятидаги оилаларда, айниқса Наманган шаҳрида сумалак сизлаб тилга олинади, яъни «Сумалак пишдилар», «Сумалакка етказганига шукур», «Сумалақдан ўргилай», –

деб мамнунлик билдирилади. Такводор оилаларда «Сумалакка пайғамбар назари тушган», «Биби Фотима онам таомлари», – деб сумалак ҳақида тўкилган турли ривоятлар айтилади.

Қадимда сумалак пишириш чоғида уни тайёрловчилар янги сарпо, кийимлар кийганлар. Янги либослар кийишнинг иқтисодий жиҳатдан иложи бўлмай қолган ҳолларда эса ундан умидворлик рамзи сифатида жимжилоқларига тоза мато бўлагини боғлаб олганлар.

Аждодларимиз асрлар мобайнида Наврўз арафаси окшоми дошқозонларда сумалак қайнатишни янги йилнинг баракали, файзли ва серҳосил келиши рамзи деб ҳисоблаганлар. Ўзингизга яхши маълум, сумалак тайёрланадиган дошқозон туну кун тинмай қайнайверса, унга анча-мунча ўтин чидамайди. Шу боисдан ҳар бир хонадон бир боғ, ярим боғдан ўтинга ҳам ўз улушларини қўшадилар. Бу арзимасдек кўринган ҳаракат остида жуда катта маъно: элни бирлашиб ҳаракат қилишга, топган-туганини бирга баҳам кўришга интилиши ётибди.

Халқимизда нонни эъзозлаш азалий удумлардан, қадриятлардан бири ҳисобланади. Нон шунчаки дастурхон безаги эмас, қолаверса, ҳаёт безаги, турмуш мазмуни, яшаш манбаи, ахлоқий, жисмоний, меҳнат тарбиясининг бошланишидир. Шу боисдан ҳам аждодларимиз нонни муқаддас билганлар, унинг шаънига қўшиқ ва дostonлар тўкиганлар. Ерда ноннинг кичик бир увоғини кўрсак, эгилиб олиб, дарров кўзимизга суртишимиз, эҳтиётлаб покиза жойга қўйишимизнинг ва бошқаларни бунга даъват этишимизнинг боиси ҳам нонга бўлган эътиқодимиз, уни маънавий тарбиянинг асосий қисмларидан бири, деб билишимизнинг натижасидир.

Қадимдан «Боламга инс-жинс зиён-заҳмат етказмасин», – деб оналар ўз гўдаклари ёстиғи остига нон қўйганлар. Оталар ўғлини ўзга юртга сафарга отлантириб, оқ йўл тилаб фотиҳа берар эканлар, «балоказодан асрайди», деган маънода фарзандларининг қўлларига бир сиким Ота юрт тупроғи билан нон тутқазганлар. Чавандозлар улоқ-қўпқари бошланиши олдидан белимга мадақкор бўлсин, деб белларига бутун нон тугиб олганлар. Овчилар овга борганда ваҳший ҳайвон ботиниб ҳужум қилмасин, деган мақсадда қўйинларида нон сақлаганлар. Меҳмон олдига энг аввал нон қўйилган. Мироб бошига нон қўйиб, сув пойлаган. Ҳомиладор аёлнинг кўз ёриши мушқуллашиб, чақалокнинг келиши кийинлашса, онага нон ҳидлатилган. Келин-куёвлар нон билан кузатилган...

Сумалак ҳам худди нондек юксак қадрланади. Уни тайёрлашда алоҳида тартиб-қоидаларга, маънавий мезонларга амал қилинади. Ҳатто

сумалак пиширилган қозон ювиндиси ҳам дуч келган жойга эмас, мевали дарахт тагига тўкилади. Бундай иримларнинг тарбиявий аҳамияти бугун ҳам ўз кучини йўқотмаган.

Аждодларимиз онгидаги «Ёмон бўлади», «Гуноҳкор бўлиб қоласан» каби ички маънавий-маърифий, ахлоқий тўсиқлар ўз вақтида қонундан ҳам кучлироқ бўлган. Шу боисдан бугун ҳам барча этносларнинг эл-юртни бирлаштиришга йўналтирилган байрамона одатлари, борди-келдилари, одоб-ахлоқ ирим-сиримлари бебаҳо мерос сифатида қўлланиши зарур.

Улкан мис қозонлар Марказий Осиёнинг қадимий аҳолиси – жанговар ва довьорак, Курраи Заминга донг таратган саклар учун муқаддас саналганлиги, бундай қозонларда тангрилар шарафига қурбонликлар тайёрлаб, улашилганлиги хусусидаги маълумотлар ўнлаб муаррихлар асарларида қайд этилган. Қадимда ҳар бир жамоанинг тўй-ҳашамларда, оммавий сайил-томошаларда фойдаланадиган катта – дошқозонлари бўлган. Айнан шундай қозонларда сумалак, ҳалим ва Наврўзнинг бошқа таомлари тайёрланган. Катта қозонлар ҳамма вақт эмас, алоҳида тантанали маросимларда, умумхалқ байрамларида ишлатилгани учун ҳам азиз саналган. Халқ мўътабар қозонларда муқаддас таомлар пишадиган, яъни «қозонлар тўладиган» тантаналарни зўр қувонч билан кутиб олган. Чунки, эл назарида қозонлар тўлиши – мўл ҳосил тимсоли, тўкин-сочинлик, мўл-қўлчилик, қут-барака белгиси эди.

Улус куни, яъни Наврўзга бағишланган халқ қўшиқларидан бирида:

*Улус куни қозон тўлса,
Йил бўйи сут мўл бўлар.
Улуглардан олқиш олсанг,
У йил ўлжанг мўл бўлар...*

– дейилишида ҳам ўзига хос ҳикмат бор. Хуллас, яхши ният билан ерга дон сочган деҳқонлар хирмонга барака берсин деб, яйловга қўй ёйган чўпонлар чорвам кўпайсин деб, олис сафарга отланган тижоратчилар йўлим ойдин, сафарим бехатар бўлсин деб, умид ила Наврўз окшомида катта дошқозонлар тагига ўт қалаганлар. Асрлар бўйи бу удум эзгулик, офтоб, баҳор шодиёнаси сифатида нишонланган бўлса, йилбошининг махсус таоми пишадиган муқаддас қозонлар барака манбаи сифатида эъзозланган.

Одатда, одамларда кўпинча қиш охирига бориб ҳолсизлик, дармонсизлик сезилади. Ҳозирги замон ифодаси билан айтганда, витаминларга кучли эҳтиёж пайдо бўлиб, кўкатлар ва ҳўл меваларга

зарурат сезилади. Бундай ҳолат халқ орасида «依лик узилди» пайти деб ҳам аталади. Дармонсизликка даво сифатида эрта баҳорда янги униб чиққан баъзи ўтлардан (қоқи ўт, шовул, ялпиз, жағ-жағ ...) истеъмол қилиш қадимдан одат ҳисобланган.

Садриддин Айний Наврўз сайлида турли овкатлар, майиз, ёнғок, шўрданақ каби ноз-неъматлар кўп бўлгани, ўрик қоқи (туршак) ивитиби ичиш одат эканлиги ҳақида ёзганди.

Ўрта асрларда ҳозирги Ўзбекистон худудининг турли жойларида Наврўз ўзига хос шаклларда нишонланган. Байрам вақти 3 кундан тортиб, то далаларда экин-тикин бошлангунига қадар чўзилган. Наврўз одатда бозор атрофидаги махсус майдонларда, кўпинча шаҳар ва кишлоқ чеккаларидаги махсус сайилгоҳларда тантана қилинган. Байрамнинг биринчи кунини карнайчи-сурнайчи, дорбоз ва полвонларнинг чиқишлари, кун ўртасида мусиқачилар, ҳофизлар ва бошқа санъаткорларнинг ижролари, кечга бориб эса сайиллар, халқ ўйинлари, базмлар уюштирилган. Кун сайин томоша ва мусобақалар авжига чиқа бошлаган. Масхарабозлар байрамнинг энг диққат марказида турганлар. Турли мусобақалар: улоқ (кўпкари), бугунги дунё ва даврда жаҳон спорт турига айланган – кураш, пойга байрамнинг кўрки саналган.

Наврўзда бедана, хўроз, кўчкор уриштириш ўйинлари ҳам ўтказилган. Наврўз байрами тантаналари қадим-қадимдан кўпкари, кўчкор уриштириш, кураш каби халқ ўйинларисиз ўтмайди. Ёилбоши билан боғлиқ бу анъананинг тарихи жуда олис замонларга бориб тақалади.

Қадимги Хитой муаррихлари қаламига мансуб «Тан сулоласининг тарихи» (Ушбу сулола 618 – 907 йилларда ҳукм сурган. – Б. И., Н. И.) деб номланган манбанинг Фарғона тавсифига бағишланган қисмида куйидагилар битилган: «Ҳар йили янги йил байрамида шоҳлар ва қабила сардорлари икки гуруҳга бўлинадилар. Ҳар тарафдан бир Баҳодир ўртага чиқади ва олишадилар. Иккала томон қийқирик ва шовқин-сурон билан ўз баҳодирини қўллаб-қувватлаб туради. Ботирлардан бирининг қўли баланд келгач, жангни тўхтатадилар ва шунга қараб келаётган йилнинг ҳосили мўл ёки камҳосил бўлиши башорат қилинади».

Қадимги Ҳиндистонда ҳам ҳар йили баҳорда кўклам куёшининг ғалабасини шарафлаш мақсадида камондан ўқ отиш мусобақалари ўтказилган. Наврўз байрамида кўчкор ва хўроз уриштириш баҳсининг ўтказилиши аслида кут-барака ва мўл ҳосил тилаш ғояси билан боғланади.

Ўзбекистон ҳудудидаги баҳор фаслига бағишланган турли маросим ва байрамлар орасида гулга бағишланган сайиллар алоҳида ўрин тутган. Тарихий манбаларга қараганда Хоразм ва Бухорода «Қизил гул сайли», Фарғона водийси, Қўқон ва Тошкент атрофларида «Лола сайли», баъзи тоғли туманларда, жумладан Чуст ва Денов туманларида «Сумбула сайли», яна бошқа жойларда «Бойчечак» каби байрамлар уюштирилган. Байрамлар тадқиқотчиси Л. А. Тульцева маълумотларига қараганда, Нуротада «Қизил гул сайли», Фарғона водийсида – «Лола сайли», Самарқандда мевали дарахтлар, жумладан, беҳи гуллаганда – «Беҳи гули сайли», Зарафшон водийсида «Бойчечак гулгардони», Бухорода гуллар очилиб, булбуллар сайраган вақтда – «Гулгардони булбулхон» каби байрам – сайиллар уюштирилган.

Хоразмда «Қизил гул» байрами уч кун давом этган. Биринчи куни қизлар бир-бирларининг уйларига кириб, оналари ва ёш қизларни байрам билан муборақбод этганлар, «Қўбиз» куйини ижро қилиш бўйича мусобақа уюштирганлар. Йигитлар ҳам навбатма-навбат ўз жўралари, ошна-оғайниларининг уйларига кириб, уларнинг оталарини байрам билан қутлаганлар.

Байрамнинг иккинчи куни мачит ёки қабристон яқинидаги хушманзара жойларда халқ сайиллари ташкил этилган. Сайилда йигитлар қизларга қизил гул, олма, анор, бўялган тухумлар отиши ўзига хос ўйинлардан бири сифатида намоён бўлган. Шунингдек ёш йигитлар ишқи тушиб қолган қизларга ёш болалар орқали ҳар йили ширинликлар, ҳолва, майиз юборганлар. Ўз навбатида қизлар (агар у йигитни манзур кўрса) «жавоб» ширинликлари йўллаганлар. Сайил тамом бўлиши билан қизлар ёш келинлар бошчилигида саф-саф бўлиб, яқин жойдаги қабрларни зиёрат қилиш учун жўнаганлар.

Байрамнинг учинчи куни қизлар дугоналари ҳовлиларидан бирида «Чикон ўйини» – арғимчоқ ўйини уюштирганлар. Ёш йигитлар ҳам шу ўйин ташкил қилинган жойга келиб, арғимчоқ учаётган қизлар билан олма отиш ўйинини бошлаганлар. Наврўз байрами куни қиз-жувонлар боғлардаги азим ўрик дарахтларининг шохларига аркон солиб, арғимчоқ учганлар.

Халқ қарашларига кўра, Наврўзда арғимчоқ учган кишининг билиб-билмай қилган гуноҳлари тўкилармиш. Ҳатто нуроний момолар ҳам «оғирлигимиз тўкилсин», деб арғимчоққа ўтиришган ва набиралари эса «момомизнинг ёшига етайлик» деган эзгу ниятда арғимчоқнинг ипидан тутиб ҳаракатланганлар. Турмушга чиққан қизлар, фарзанд кутаётган келинчақлар арғимчоқни баландлатиб, ҳаволатиб учишга

ҳаракат қилганлар. Улар ҳар гал шўх кулгу билан дарахтнинг энг баланд шохидан баргча узиб олишга интиланганлар. Дарахтнинг энг баланд шохидаги оппок гуллар орасидан эндигина бўртиб чиққан япрокни узиб олишга муваффақ бўлган кишининг жамики орзу-ниятлари амалга ошади, деб умид қилганлар.

Байрам бошланган кундан то охиригача бўлган даврда йигит ва кизлар дўпписига қизил гул гунчасидан қадаб кўйиш одат бўлган. Этнологик ва тарихий адабиётларда йил давомида бемалол очик юролмаган хотин-қизларнинг гул сайилларида эмин-эркин қатнашганлари хусусидаги маълумотлар анчагина. Чунончи, Паркентдаги лола сайлига, асосан, кизлар борганлар. Далаларда қизғалдоқ қийғос очилган вақтда, теварак-атрофдаги кишлоқ кизлари баланд тепаликка йиғилишиб, сўнгра лолазорга сайилга чиққанлар. Сайил давомида кизлар доира жўрлигида қўшиқ айтиб, рақсга тушганлар, лолақизғалдоқлар териб, гулчамбарлар ясаганлар. Самарқандда «Сайли гули сурх» маркази Чупон ота мозори атрофларида бўлган.

Баъзи манбаларда «Наврўз» ва «Гул сайиллари» бир-бирига боғлиқ ҳолда, айримларида эса ажратиб ёритилган. «Йил боши», «Наврўз» ёзга кўчирилган вақтларда, гул сайли баҳор фаслининг энг катта байрамга айланган. Бироқ, «Наврўз» яна баҳорга кўчирилганда, у табиатнинг жонланиши, баҳор келишини қайд этадиган байрам бўлиб қолган. У «Йил боши» бўлгани учун ҳам аниқ кунлар (ҳозирги 21 – 22 март)да нишонланадиган бўлган. Гул сайилларининг қачон ўтказилиши табиатга, об-ҳавога боғлиқ бўлиб, улар апрель бошидан то май ўрталаригача ўтказилган. Наврўз бир ойгача нишонланадиган жойларда эса бу икки байрам бир-бирига уланиб, қўшилиб кетган. Шундай жойларда баҳор тантаналари «Наврўз» билан бошланиб, «Гул сайиллари» билан яқунланган.

Беруний бундай байрамларнинг оддий халқ ҳаётида қандай ўрин тутганлиги хусусида шундай ёзганди: «Ана шу ҳайитлар фақирлар ҳаётининг танглигини кенгликка айлантирувчи, умидворларнинг орзуларини юзага чиқарувчи ва ҳалокатга яқинлашганларни хатар ва балодан қутқарувчи сабаблардан бири бўлди»...

ИСТИБДОД – МУСТАМЛАКА ДАВРИДАГИ БАЙРАМЛАР

XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олиб, уни ўз мустамлакасига айлантирган. Ўлканинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига ўз таъсирини ўтказган.

Англия, Франция сингари мустамлакачи давлатларнинг Осиё ва Африкадаги колониялари тажрибасини ўрганган чор Россияси Туркистонда ўзига хос “рустамлака” (Ибора бизники – муаллифлар) тизимини ўрнатганлар. Натижада, Туркистонга ўзга халқлар байрамлари, урф-одатлари ҳам кириб кела бошлаган.

Мустамлака йилларида чор ҳокимияти – Туркистон генерал-губернаторидан тортиб, мингбоши ва қозиларгача – халқни миллий озодлик ҳаракатидан чалғитиш, маҳаллий аҳолини итоатгўй, муте ҳолатда сақлаш, шу тарзда ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида халқ байрамлари ўтказилишига маълум даражада йўл берган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Тошкент яқинидаги Зангиота ва Тўйтепа сайилгоҳларида уюштирилган Наврўз байрамларида генерал-губернатор фон Кауфманнинг шахсан ўзи қатнашган. У гиламлар тўшалган тўртбурчакли майдон саҳнасида кўзни қамаштирувчи миллий кийимлар кийиб ўз санъатини намоён этган уч нафар раққосга ўз кўли билан совғалар улашган. Мустамлакачилар бу каби ҳаракатлари орқали ҳам маҳаллий халқ орасида ўз обрўсини оширишга интилган. Бироқ, бу анжуманларда миллий мустақиллик, хуррият тўғрисида ҳам гап-сўзлар бўлиб тургани учун истилочилар халқ байрам – сайёллари ўтказилишини тақиқлаб қўйганлар. Ҳатто, дорбозлар ҳам дор тикиб, ўйин кўрсатиш учун миршаблардан рухсат оладиган бўлиб қолган.

XX асрда ўзбек байрамлари мураккаб бир даврни бошидан кечирди. Ушбу аср бошида янги ғоялар учун кураш ниҳоятда кучайди. XIX аср охирида бошланган ғоявий-сиёсий кураш XX аср бошида авжига чиқди. Бу жараёнда турли сиёсий оқимлар вужудга келди. Миллий маданият, чунончи, урф-одатлар ва байрамларни «қайта англаш», уларни ислоҳ қилиш ғояси маҳаллий аҳолининг илғор фикрли зиёлилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Дин арбоблари ислом анъаналари ва кадриятларини ўзга маданиятлар таъсиридан сақлаш мақсадида Европа маданиятига, ҳозирги даврда ўзини яққол намоён эта бошлаган “оммавий маданият”га қарши курашга интилдилар. Уларнинг тарафдорлари соф исломий одатларни сақлаб қолиш, янги анъаналарни ижобийми, салбийми, бундан катъи назар, халқ ҳаётига яқинлаштирмасликка ҳаракат қилганлар.

Нигилистик кайфиятдаги большевик истилочилар XX асрнинг 20-йилларида «пролеткульт» оқимига бирлашиб, миллий маданиятни тағтомири билан қўпориб ташлаб, мутлақо янги коммунистик маданият барпо этиш ғоясини илгари сурганлар.

Социал-демократик йўналишдаги сиёсий партиялар ўзларини халқ анъаналарининг ижобий жиҳатларини сақлаб қолиш тарафдори қилиб кўрсатсаларда, аслида янги пролетар маданиятни ҳаётга жорий қилиш учун курашганлар. Бунинг натижасида, Россияда ўтказилаётган сиёсий чора-тад-бирлар шакллари Ўрта Осиё шаҳарларига ҳам кела бошлаган.

Социал-демократлар 1904 йил Тошкентда илк бор «Маёвка» уюш-тирганлар. Петербургдаги 1905 йил «Қонли якшанба» воқеасидан кейин социал-демократлар Тошкент ва бошқа шаҳарларда биринчи май бай-рами намойишларини чоризмга қарши улкан сиёсий тадбир сифатида ўтказишга интилганлар.

Маҳаллий зиёлилар ичидан етишиб чиққан жадидлар, яъни янгилик тарафдорлари эса эски, котиб қолган ўқитиш усулларини ислоҳ қилиш, маҳаллий халқ турмуш тарзига замонанинг илғор янгиликла-рини олиб киришга ҳаракат қилганлар. *Жадидлар* деб ном олган бу миллий маърифатпарвар зиёлилар мавжуд одатларни қайтадан идрок қилиш, ундаги энг яхши анъаналарни ривожлантириш, замон талабига жавоб бермайдиган, эскирган русумларни бекор қилиш, даврнинг илғор янгиликларини ҳаётга жорий этишга интилганлар.

Бу оқимларнинг ҳар бири келажакда халқ ҳаёти, сиёсати, иқтисоди, маданияти, шу жумладан одат-байрамлари қандай бўлишини белгилашга уринганлар. Бироқ, халқ ҳаёти, маданияти ва байрамлари тақдирини бирор-бир ғоявий-сиёсий оқим вакиллариининг истагига кўра ҳал қилиб бўлмас эди. Чунки, миллий байрам-маросимлар аввало ҳаёт тараққиётига, халқнинг эҳтиёжига боғлиқ ҳодиса ҳисобланади.

Миллий маданият равнақини белгилашда жадидлар ўта муҳим ўрин тутганлар. Фурқат, Бехбудий, Сўфизода, Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Ҳамза каби илғор маърифатпарвар зиёлилар халқ турмушини ўзгартириш, унга замонанинг янгиликларини олиб кириш, мактаб, маориф ишига эътиборни ошириш учун фаол курашганлар.

XIX аср охири – XX аср бошларида Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг истилочилар ўз сиёсати билан бирга, бу ерга маҳаллий халқлар турмуш тарзига унчалик мос келмаган ўз мадания-тини ҳам олиб киришга уринганлар. 3000 йиллик давлатчилик ва халқ байрамлари, маданияти, урф-одатларини секин-аста халқ онгидан чиқаришга интилганлар. Чунки, бирор-бир халқни йўқ қилиш учун уруш қилмасдан, маданияти, тили, урф-одат, анъана, кадриятлари йўқ қилинса, у халқ ўз-ўзидан истилочиларга бўйсунди, ўзгалар ортидан эргашиб юрадиган оломонга айланиб қолади.

Лекин, халқимиз истилочилар орзуларига карамай байрамларимиздан, урф-одатларимиздан воз кечмади. Яширинча байрамларни нишонлайверди. Ўзлигидан кечмади. Озодликка, хурликка интилиб яшади.

Хуллас, ўзбек халқ анъанавий байрамлари ушбу даврда маълум даражада трансформацияга учради. Ўлка аҳолисини ҳар томонлама куллик исканжасида тутиб туришни хоҳлаган мустабид тузум тарафдорлари мустамлакчиликнинг энг самарали усулларидан бўлган маҳаллий аҳоли маъанавиятини йўқотишга тинимсиз уринганлар. Натижада, гарчи бутунлай йўқотишга муваффақ бўлинмаса-да, анъанавий халқ байрамлари мазмун-моҳияти, тарбиявий хусусиятларига катта зарар етказилган.

1917 йил феввалида ўзга партиялар билан ҳамкорликда Россия императори Николай II ни, октябрда эса оломон кучига таяниб Муваққат ҳукуматни ағдариб ташлаган коммунистлар дастлаб Петроградда, сўнгра Туркистонда ҳам ҳокимиятни эгаллаб олгач, маҳаллий аҳолини ўз томонига оғдириш мақсадида сиёсий, диний эътиқод эркинлиги ва миллий анъаналарни ривожлантириш ҳақида катта ваъдалар берганлар. Жумладан, уларнинг илк ҳужжатларидан бири – «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» номли (1917 йил, 20 ноябрь) мурожаатида шундай дейилади: «Бундан буён сизларнинг эътиқодингиз ва урф-одатларингиз, миллий ва маданий муассасаларингиз озод ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий ҳаётингизни эркин ва монесиз тарзда қуриш. Бунинг учун ҳуқуқларингиз бор».

Улар ҳатто, миллий эътиқод ва анъаналарни ҳимоя қилиш кафолатини ҳам берганлар: «Билингки, сизларнинг ҳуқуқларингизни, Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқлари каби, инқилоб ва унинг органлари, ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари советлари бор кучи билан муҳофаза қилади». Бирок, Шўролар ўз мавқеини мустаҳкамлаб олганидан сўнг барча ваъдаларини, табиий равишда, унутганлар. Аксинча, улар томонидан берилган ваъдаларга тамомила тескари бўлган атеистик, экстремистик, террористик фаолият юритила бошланган. Жумладан, барча миллий байрамлар тақиқлаб қўйилган. Уларнинг бирортаси ҳам шўролар давлат байрами тизимига, тақвимига киритилмаган.

Ўзбек халқнинг минглаб йиллар давомида мавжуд бўлган миллий анъанавий байрамлари ўрнига шўроча байрамларни жорий қилишга фаол киришилган. Масалан, Октябрь тўнгаруви нишонланадиган инқилоб куни (7 – 8 ноябрь), Чикаго фожиаси муносабати билан проле-

тариат курашини нишонловчи кун (1 май), хотин-қизларни сиёсий-ижтимоий фаолиқка чорловчи кун (8 март) каби ўз манфаатига хизмат қилувчи тарихий воқеаларни байрам сифатида нишонлаш анъанаси жорий этилган.

Бу байрамлар орқали большевиклар ўзларининг коммунистик идеологиясини агитация-пропаганда қилишни кучайтирганлар. Шўроларнинг сўзи билан иши бир-бирига мувофиқ эмаслигини аста-секин англаб етган халқ уларнинг тадбирларига бефарқ қарай бошлаган. Шунда улар аҳолини коммунистик тадбирларга жалб этишнинг антиқа йўлларини қўллашга киришганлар. Жумладан, одамлар кизил клубларга ошга таклиф қилинган. Улар ош тановул қилаётган вақтда эса халққа янги большевик тузум афзаллиқларини намойиш этувчи коммунистик агитация характеридаги томошалар кўрсатилган. Бундай томошалардан мақсад, турган гапки, одамларни гўёки барпо этилажак коммунистик тузумга, шўролар идеологиясига ишонтириш бўлган.

Шўролар оммага таъсир қилиш мақсадида янада қизиқарли, таъсирчан шаклларни излаб топишга интиланлар. Жумладан, оммавий инсценировка, митинг-концерт, агитсуд, жонли газета, театрлашган намойиш кабилардан кенг фойдаланилган.

20- йилларда коммунистлар томонидан очик майдонда ўтказиладиган байрамлар кўпинча театрлаштирилган митинг-концертлар шаклида ҳам ташкил қилинган. Бу тарғибот-ташвиқнинг энг оммавий тури ҳисобланиб, унинг бадий-образли сюжети нотиклар (воизлар, лекторлар) нутқи ва унга илова шаклида қўшиқлар, шеърлар, драматик лавҳалар ва ҳоказолар билан янада кучайтирилган.

Бу даврда очик майдонларда ўтказилган байрамларнинг яна бир йирик тури – театрлаштирилган карнавал намойишларидир. Улар асосан диний байрамлар кунида динга қарши атеистик тарғибот сифатида ташкил этилган. Бундай янгича шакллар қизиқарли, томошага бой ва таъсирчан бўлган. Уларни деярли бутун шаҳар аҳолиси томоша қилган.

Эрта тонгда бошланиб, ярим тунда тугайдиган театрлаштирилган байрам – томошалар қуйидаги композицион қисмлардан иборат бўлган:

1. Муқаддима: шаҳарнинг ҳар бир туманида митинг ва митинг-концертлар.

2. Воқеалар ривож: шаҳарнинг марказига қараб йўл олган бир неча карнаваллаштирилган намойиш.

3. Воқеалар авжи: шаҳарнинг марказий майдонида ташкил этилган театрлаштирилган агитсуд.

4. Хотима: шаҳар марказида халқ сайиллари, ўйинлари ҳамда

майдонларда концертлар ва спектакллар намоиш қилинган.

XX аср 20- йилларида Шўролар ўзларининг барча тадбирларини байрамона равишда ташкил қилишга ҳаракат қилганлар. Улар ушбу тадбирлар орқали ўз ҳаёлий коммунистик ғояларини аҳоли онги ва қалбига томошалар воситасида сингдиришни мақсад қилиб қўйган эдилар.

Шўроларнинг энг асосий байрами иккита (1 май ва инқилоб куни) эди. Бу икки бош байрамнинг асосий шакли – намоиш ҳисобланарди. Давлат ва маҳаллий раҳбарлар Ленин ҳайкали пойдевори устидаги минбарда тик туришарди. Халқ эса майдон бўйлаб уларнинг олдидан намоиш қилиб ўтарди. Бу намоишларга ишчи-хизматчилар, талабалар мажбурий равишда жалб этиларди. Намоиш иштирокчилари раҳбарлар турган минбар ёнидан ўтаётганида овоз кучайтирувчи техник воситалардан турли шиорлар янграб турар эди.

Шўролар байрамларида янги пролетар маданият шакллари тарғиб қилинарди. Шулардан бири миллий заминга мутлақо эга бўлмаган карнавал эди. 80- йилларда шундай воқеа бўлиб ўтган: Байрам куни Тошкентнинг ўша вақтдаги Комсомол кўли рақс майдонида духовой-эстрада ансамбли хорижий куй-қўшиқларни ижро этиб туради. Маҳаллий йигитлар улардан ўзбек куйини ижро этишни илтимос қилишади. Шунда оркестр аъзолари битта ҳам миллий куйни билмаслиги маълум бўлади. Ёшлар яна миллий куйни илтимос қилишганда, улар миллий куйлар оркестрда ижро этишга арзимайди, деб ҳақорат қилишади. Бу шўро даврида ўтказилган байрамларда маҳаллий миллий маданият топталганидан далолат беради. Бундай шовинистик хатти-ҳаракатлар ҳам ўз-ўзидан ижтимоий зиддиятларнинг келиб чиқишига асос солган.

XX асрнинг 80- йиллар ўрталарига келиб, коммунизм ғояси инкирозга учраб, Шўроларнинг тарғибот-ташвиқот шакллари ҳам эскираётганлиги яққол сезила бошлаган. Шунда улар ўтказиладиган байрам тадбирларига миллий байрамларга хос унсурлар: карнай-сурнай овозлари, масхарабоз-қизикчиларнинг чиқишлари, миллий рақслар, халқ ўйинлари кабиларни қўшишга ҳаракат қилганлар. Лекин, тағзамини чирий бошлаган шўролар байрамлари миллий анъаналарга пойдевор бўла олмасди.

Шўролар байрамлари уларнинг давлати асосли равишда тарих саҳнасидан тушириб юборилиши биланоқ ўз-ўзидан мавқеи ва аҳамиятини йўқотганлигини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

Шўролар омма онги ва қалбига коммунистик идеологияни сингдириш учун фақат ўз мақсадига хизмат қиладиган воситаларга таянар-

дилар. Халкнинг миллий анъаналари шўроларнинг мақсадига хизмат қилмаганлиги учун, уларга қарши расмий ва норасмий кураш олиб бориларди. Халқ урф-одатлари ва байрамларининг ижобий ёки салбий жиҳатлари уларни қизиқтирмасди. Шўролар улкан империядаги барча халқларни ягона совет халқига айлантириш мақсадида миллий кадриятлар ва анъаналарга қарши тинимсиз кураш олиб борганлар.

Шўролар эгаллаб олган ҳокимиятнинг дастлабки йилларидан бошлаб улар мазмун-моҳиятини англаб етишга ожизлик қилган, бўйсундирилган халқларнинг миллий ва диний байрамлари тақиқлаб қўйилган.

Айниқса, минг йиллар синовидан ўтган «Наврўз» Шўро даврига келиб, амалда расмий байрамлар қаторидан чиқариб ташланди. Аввалига шўро сиёсатдонлари Наврўзни коммунистик идеология манфаатларига хизмат қилдиришга ҳаракат қилганлар. Шу мақсадда илк баҳор пайтларида шаҳарлардаги майдонларда сиёсий томошалар ташкил қилинган. Бу сиёсий томошаларни уюштиришга маҳаллий зиёлилар ҳам мажбурий равишда жалб этилган.

XX асрнинг 30- йилларидаги шўроларнинг экстремизм ва терроризмга асосланган динга қарши кураш ва қатағон сиёсати оқибатида Наврўз эскилик саркити, диний байрам сифатида қораланган. Ўша пайтда миллий байрамларни йўқ қилиш мустамлакачиликнинг ўзига хос кўриниши сифатида намоён бўлган эди. Аммо, маҳаллий миллат кишилари чекка жойларда яширин ҳолда анъанавий байрам, маросимларни ўтказаверганлар.

30 – 50- йилларнинг шахсга сиғиниш даврларида анъанавий халқ одатлари ва байрамларини ҳимоя қилмоқчи бўлган зиёлилар «шўро давлати сиёсатига қарши ёт унсур» ёки «миллатчи» сифатида айбланган. Ҳатто диний мазмунга эга бўлмаган халқ маросимларида қатнашган кишиларга нисбатан турли жазо чоралари ҳам кўрила бошланган. Шўро сиёсатдонлари қатағон йилларида Наврўз байрами ўрнига «Колхоз тўйи» деган байрамни жорий этганлар.

Аммо, миллий ва диний байрамлар аҳоли томонидан яширинча нишонланаверган. Одамлар гўё дала сайлига чиқишгандек бўлиб, у ерда Наврўз байрамини тантана қилганлар. Бундан хабар топган шўро фаоллари уларни турли шаклларда тинимсиз таъқиб этганлар. Шўро даврида Наврўзни нишонлаётганларни қўлга олиш кампаниялари уюштирилган. Наврўз байрами ташкилотчилари, иштирокчиларнинг айримлари бўлса, ҳатто коммунистик давлатга қарши фитна уюштирилаётганликда айбланиб, ҳибсга олинган.

Боскинчилар миллатга бегона ва ёт бўлган, унинг миллий-маънавий кадриятларига тўғри келмаган урф-одат, анъаналарни киритиш орқали халқ турмуш тарзини мутлако ўзгартириб юборишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Маълум бир даражада, турли йўллар ва воситалар орқали, элни ўз илдизидан узиб қўйишга ҳам муваффақ бўлинган. Аммо, ҳаёт фалсафаси, тарих фалсафаси миллатнинг маънавий борлиғига зўрлаб сингдирилган байрамлар ҳеч қачон абадий қолиши мумкин эмаслигидан минглаб марта сабоқ беради. Эл тақикқа учраган миллий байрамларини очик нишонлай олмаса-да, доимо ўз қалбида эъзозлаб, ардоқлаб келган.

60- йиллар бошларида шўро мамлакатаида ҳам миллий масалада бир оз «илиқлик» пайдо бўлиб, миллий байрам, маросимларни ўтказишда сал жонланиш рўй берди. Матбуотда халқ урф-одатлари, байрамлари ҳақида мақолалар ҳам пайдо бўлди. Илғор фикрли зиёлилар маданият соҳаси айрим раҳбарлари ташаббуси билан жойларда Наврўз байрамини ўтказиш ҳаракати бошланди. Аммо, Наврўз давлат байрами сифатида тан олинмади. Кўпгина зиёлилар, айрим раҳбарлар Наврўзнинг чинакам дунёвий, чинакам халқчил байрам эканини сезсаларда, яқин ўтмишдаги зуғум ва катагонларни эслаб, бу анъанани қўллаб-қувватлашдан чўчиганлар. 60- йиллар ўрталарида маълум халқ байрамларига бирмунча эътибор берилди бошланган бўлса ҳам кишиларда шўро сиёсатидан ҳайкиш, қўрқин кайфияти кучли эди. Шунинг учун миллий анъанавий байрамлар, диний маросимлар ими-жимидида, яширин равишда ўтказилган.

Бироқ 70 – 80- йиллар ўрталарида ўзбек халқи азалдан севиб, ардоқлаб келган урф-одатлар ва маросимлар, байрамлар яна чеклаб қўйилган, Шўролар томонидан халқ байрамларига қарши кенг қўламдаги норасмий кураш бошланган. Маҳаллий ҳокимият вакилларига жойларда миллий байрамлар ўтказилишига йўл қўймаслик, уларнинг ўрнига янги совет байрамлари ўтказилишини уюштириш зарурлиги ҳақида *партия органлари томонидан очик ва ёпиқ буйруқлар* бўлар эди. Чунки, шўро сиёсатдонлари Ўзбекистонда миллий уйғониш жараёни бошланишидан каттик қўрқардилар.

XX аср 80- йиллари ўрталарида Шўролар давлати инқирози бошланганида улар охириги кучларини тўплаб, коммунистик идеологияни сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилганлар. Миллий байрамлар, жумладан Наврўз Ўзбекистонда халқ байрами сифатида кенг нишонланишида тўсиқлар пайдо бўлган. 1985 – 1987 йилларда оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, газета, журналлар)га

Наврўз байрами ҳақида бир оғиз ҳам гапирмаслик, ёзмаслик тўғрисида фармойишлар берилган.

Наврўз ўтказиладиган сайилгоҳ майдонларга бориладиган йўллар совет милицияси ходимлари томонидан тўсилди. Дорбозларнинг дорлари йикитилди. Айрим ашаддий коммунистик раҳбарлар эса Наврўз байрамини нишонлаётганларни айёмнинг шоҳона таоми – сумалак қайнатаётган қозонларини ағдариб ташлаганлар.

Бундай ҳолат миллатпарвар кишиларнинг нафратини кўзгатган ва бунёдкор ва вайронкор ғоялар тарафдорлари ўртасида каттик тортишувларни вужудга келтирган. Ёзувчилар, олимлар ва маданият ходимлари томонидан Наврўз қадимдан давом этиб келаётган ҳақиқий халқ байрами эканлиги, унинг мазмун-моҳияти табиат қонунлари билан боғлиқлиги ва Наврўзни энг яхши анъаналар асосида тараққий эттириш лозимлиги ҳақида жиддий мулоҳазалар билдирилган.

Одил табиат қонунларига кўра инсон меҳнат фаолиятига асосланган Наврўз сайли 1985 йилга келиб диний байрам, деган таънага қолди. Мустамлакачилик сиёсати ўз мақсадига эришиш учун халқимизнинг миллий байрамларига таҳдид ва хуруж қилиб турган бир пайтда, айрим маҳаллий раҳбарлар большевикларнинг экстремистик сиёсатини тўлиқ қўлаб-қувватлагани дард устига чипқон бўлди.

1985 йил 10 июлда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси томонидан «Ҳар йили март ойи учинчи ўн кунлигининг якшанба кунини хотира қуни нишонлансин», деган қарор қабул қилинди. У айнан Наврўз байрами нишонланадиган кунларга мослаб белгиланганди.

Ишлаб чиқилган дастурлар ва тадбирларнинг асосий мақсади халқимизнинг миллий урф-одатлари, кадриятларига қарши курашдан иборат эди. Айнан шу пайтда Хотира кунини нишонлаш Наврўзни йўқотиш йўлида қўйилган навбатдаги қадам бўлганди. Хотира қуни тадбири қутилган натижани бермагач, кейинги йили сунъий равишда «Навбаҳор» деган байрам ўйлаб топилган. Бу байрам ҳар йили апрель ойининг биринчи якшанбасида нишонланиши кўзда тутилганди. Бироқ, қўрилган чора-тадбирларга қарамай, элнинг Наврўзга бўлган муносабати ўзгармади. Қўрилаётган чора-тадбирлар асосий мақсадга олиб келмаётганлигини англаб етган Марказий Қўмита Наврўзга қарши янги хужумга ўтди.

Марказқўмнинг ўша даврдаги мафкура бўйича қотибаси 1986 йил март ойининг иккинчи декадасида, Наврўз байрами арафасида республика оммавий ахборот воситаларининг масъул ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказган. У Наврўз байрамини нишонламаслик тўғрисида, унинг халқимиз ҳаёти ва турмушига «зарарли» эканлиги хусусида роса

сафсата сотган. Шунда йиғин иштирокчиларидан бири, Самарқанд вилояти «Ленинский путь» газетаси муҳаррири Борис Шчеголохин унга эътироз билдириб, Наврўз байрами диний эмас, балки миллий байрам эканлигини таъкидлаб, уни ҳимоя қилишга журъат этган. Йиғилишда катнашганларнинг аксарияти маҳаллий аҳоли вакиллари бўлса-да, улардан ҳеч бири котибанинг асоссиз иддаоларига қарши чурк этолмаган.

Ўша пайтдаги раҳбарият томонидан сумалак ва ҳалим каби миллий таомлар номини ҳам ўзгартиришга уринилганди. Мафкуравий ишлар бўйича котиб «Наврўз» байрами муносабати билан тайёрланадиган «сумалак» ва «ҳалим» каби миллий таомларни оддий «каша» (бўтқа) деб ҳисоблаганди. Бу гапни эшитиб ҳайрон бўлган рус миллатига мансуб фуқаро бу таом «каша эмас», дея эътироз билдирган.

«Наврўз»га қарши экстремистик равишдаги кураш аслида «қош кўяман деб, кўз чиқариш»дан бошқа нарса эмасди. Бунинг оқибатларини ўша даврдаги раҳбарият кўз олдига келтириши ҳам мушкул эди. 1986 йил январь – февралда бўлган Ўзбекистон Компартияси ХХІ съездида «Дин миллатчилик ва шовинизмга ҳар доим йўл очишини, иқтисодий-социал тараққиётга тўсқинлик қилишини, социалистик турмуш тарзи, оммунистик маънавиятнинг қарор топишига тўсқинлик қилишини ҳар доим эсда тутмоқ керак», – деган кўрсатма берилганди. Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарлари халқ маросимлари, жумладан, «Наврўз»ни ҳам байрам сифатида нишонлашни расман тақиқлаб қўйгандилар.

Республиканинг ўша пайтдаги раҳбарлари Наврўз байрами нишонланишини фақат икки йил – 1986 – 1988 йиллардагина тўхтата олдилар, холос. Шунда ҳам улар Наврўзнинг республика миқёсида расмий тарзда нишонланиши, оммавий ахборот воситаларида бу байрам ҳақида маълумотлар беришни тўхтата олдилар. Бироқ, миллий онги уйғониб қолган зиёлилар, илғор ёзувчи, олимлар Наврўз байрами тақиқланишига қарши фикр-мулоҳазаларини кўрқа-писа бўлса ҳам халқ эътиборига ҳавола қилишга астойдил киришгандилар. Наврўзни сақлаб қолиш – миллий-маданий анъаналарни сақлаб қолиш ҳаракатига айланди.

Илмий анжуманлар, ёзувчилар йиғинларида Наврўзни ҳимоя қилувчилар сафи тобора кенгая бошлаган. Маҳаллаларнинг илғор фикрли миллатпарвар раҳбарлари Наврўзни нишонлаш юқори идоралар томонидан тақиқланишига тесқари равишда жойларда бу байрамни нишонлайверганлар. Турар-жой, кўча-кўйларни тозалаш, янги кийимлар кийиш, бир-бирини қутлаш, далаларга, қирларга чиқиб сайр қилиш,

сумалак пишириш, зиёфат, ўйин-кулги уюштириш орқали Наврўз айёмини нишонлаш тўхтамаган. Бундай ҳаракатлар натижасида миллий анъаналар ва байрамларни ҳаётга қайтариш масаласи жиддий даражага кўтарилган. Анъаналар учун кураш миллат равнақи учун курашга, миллат равнақи учун кураш эса мустақилликка эришиш учун курашга айланиб кетган.

Ўйламай, халқ билан маслаҳатлашмай килинган ноҳўя ҳаракатлар эл дилини оғритди. Халқимиз сиёсий тақик ва таъқибларга, турли янги номдаги байрамлар ва янги одатларнинг ўйлаб топилганига қарамай Наврўз байрамини ёдидан чиқармади. Оқибатда бу борада қаттиқ тортишув вужудга келди. Республиканинг илғор ёзувчи, олим, зиёлилари томонидан «Наврўз» қадимдан давом этиб келаётган халқ байрами эканлиги, унинг моҳияти дин билан эмас, табиат қонунлари билан боғлиқлиги, айёмни энг яхши анъаналар асосида тараққий эттириш лозимлиги хусусида жиддий фикрлар айтилди. Ва ниҳоят, республика раҳбарлигига Ислом Каримов келгачгина бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, Наврўз яна халқимизга қайтарилди.

XX асрда ўзбек халқи турмуш тарзига кириб келган киш фаслида ўтказилувчи энг катта байрамлардан бири Янги йил байрамидир. Марказий Осиёда ушбу байрам қадимдан баҳорда нишонланиб келинган. Рус мустамлакаси даврида умумий ҳисобга, таквимга ўтилганидан сўнг Янги йил байрами йилда икки марта — 1 январда ҳамда 21 мартда нишонлана бошланган. Демак, ушбу байрам руслар орқали кириб келган.

Бу байрамда ҳар бир оила, корхона, маданият саройлари ва ресторанларда янги йил дастурхони ёзилади. Мазкур байрам арафасида шаҳарларнинг марказий жойларида, маданият саройларида, мактаб, боғчалар ва оилаларда байрам тимсоли бўлган арча дарахти безатилади. Қадимги славян, латиш ва эстонларда арча — тинчлик, омад ва саодат рамзи бўлган. Мазкур байрамнинг доимий қаҳрамонлари Қорбобо — сахийлик ва раҳмдиллик, Қорқиз эса ёшлик, хурсандчилик ва қувноқлик тимсоли ҳисобланади.

Янги йил байрамида арча дарахтини безатиш кўплаб давлатларда Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, баъзиларида эса 1960 йиллардан кейин бошланган. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам мазкур байрам XX асрнинг иккинчи ярмидан нишонлана бошлаган. Байрам амалда 31 декабрь куни бошланиб 1 январга ўтар кечаси, яъни тунги соат 24⁰⁰ да ўзининг энг авж нуктасига чиқади.

Йил таквими билан боғлиқ маросимлар таркибида бўлган Наврўз ҳамда Янги йил байрамлари бошқа барча байрам ва маросимлардан

фарк килади. Яъни, мазкур байрамлар барчада ўзига хос кўтаринки кайфият уйғотиб, уларни нишонлашга алоҳида тайёргарлик кўрилади. Янги йил байрами ўзбек халқи турмуш тарзига кейинчалик кириб келган бўлишига қарамай, алоҳида кўтаринки руҳ билан нишонланувчи байрамга айланиб улгурган. Бу даврда мактаб ўқувчиларига қишки таътил берилгани учун байрамонга кайфият ўн кунгача давом этади.

Хулоса қилиб айтганда, тарих синовларидан ўтган байрамлар ва маросимлар, урф-одатлар халқимизнинг ажойиб фазилатлари, миллий хусусиятларини, кадриятга айланган халқчиллик руҳи билан суғорилган жиҳатларини ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, содда ва самимийлик билан мужассамлашган хислатларини намён этади. Халқнинг ўзига хос миллий, руҳий кўринишларининг барча халқ байрамларида ўз ифодасини топади.

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ НАВРЎЗИ

Президент Ислам Каримов томонидан 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ота Юртимиз мустақиллиги тантанали равишда эълон қилинди. Шу куни Олий Кенгашнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида”ги тарихий қарори қабул қилинди. Ушбу муҳим ҳуқуқий ҳужжатнинг иккинчи бандида 1 сентябрь – Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни – умумхалқ байрами ва дам олиш куни сифатида белгиланди. Шу тариқа озодликка чиққан илқ кунимиздаёқ мамлакат бўйлаб Истиқлол айёмини тантана қилдик.

Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган, очиқ ташқи сиёсатга эга ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги дастлабки қадами байрам билан бошланди. Истиқлол айёми мустақиллик йилларида халқимизнинг энг улўғ, энг азиз байрамига айланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришиш арафасида давлат ва ҳукумат томонидан халқ байрамларини тиклаш борасида улкан ишлар амалга оширилиб, бунга кенг жамоатчилик эътибори жалб этилди. Натижада, «Халқ байрамларини тиклаш муаммолари» бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Бу гуруҳ фаол зиёлилардан таркиб топган эди. Мазкур гуруҳ ҳар йили 21 мартдан 21 апрелгача бўлган муддатни «Инсонийликни ва табиатни эъзозлаш ойлиги» сифатида белгилаб, бу вақтда «Наврўз», «Хотира куни», «Биринчи экин», «Дон, майса ва сув куни», болалар учун «Бойчечак» байрами, «Лола сайли» ва бошқа байрам маросим-

ларини ўтказишни тавсия қилди. Таклиф ва тавсиялар эса кейинги хайрли ишларга дебоча бўлди.

90- йилларга келиб халқ байрамлари кунда «Катта томошалар» кўрса-тилиб, масхарабозлар, қизиқчилар, кўғирчокбозлар, дорбозлар, полвонлар иштирокида азалий халқ томошалари намойиш этила бошлади. Бу пайтда халқ байрамларида аскиябозликлар, мушоиралар, халқ ўйинлари ўтказилиши анъанага айланди. Байрамлар халқимизга хос энг яхши урф-одатлар ва анъаналарни намойиш этадиган муҳим тарбия воситаси эканлиги, шўролар даврида халқ маросимлари, анъаналари ҳам йўқола борганлиги ва бу инсонпарварлик анъаналарини тиклаш зарурлиги ўша даврда оммавий ахборот воситаларида жиддий таъкидлана бошланди.

Шўролар даврида миллий байрамларнинг бирортаси ҳам расмий байрам сифатида йиллик календар (таквим)да кўрсатилмаган эди. Мустақиллик арафасида ҳам миллий байрамларни тиклаш ҳақида гап кўп эдию, аммо уларни нишонлаш ҳақида расмий ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас эди.

Ислом Каримов Республика раҳбари бўлганидан кейингина шундай ҳужжат пайдо бўлди. 1989 йил 28 февралда унинг ташаббуси билан Ўзбекистонда Наврўз байрамини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1990 йилдаёқ, хали мустамлака зулмидан тўлиқ халос бўлмаган юртимизда Наврўз айёми кенг нишонланди. Бу биз учун ўзаро меҳр-окибат, қадр-қиммат, хайру саховат рамзи бўлган энг қадимий, энг асл байрамимизнинг амалда қайта тирилиши эди. Президент Ислом Каримов томонидан “Наврўз” халқ байрамини ўтказиш яқунлари тўғрисида махсус Фармонга имзо чекилди ва бундан кейин ҳар йили 21 мартни умумхалқ байрами – дам олиш куни сифатида нишонланиши эълон қилинди. Ушбу унутилмас воқеани мамлакатимизнинг бутун аҳолиси чуқур мамнуният ва кўтаринки руҳ билан кутиб олди.

Наврўз шаксиз кўпгина халқ байрамларининг отаси ҳисобланади. Бу байрамнинг энг катта фазилати шундаки, у одамларни бир-бирига яқинлаштиради, дўстлаштиради. Байрам кунларида қариндошлар ва кўшнилари бир-бирларини йўқлайдилар, совғалар йўллайдилар, зарур бўлса ёрдам берадилар.

Ўзбекистон Президенти нуқтаи назарига кўра: «Кундалик турмушда учраб турадиган гина-аламларни юракда олиб юрмаслик, кечиримли бўлиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ёруғ кунлар умиди билан, эртанги кунга ишонч билан яшаш – Наврўзи оламнинг ўзи бизларни чорлайдиган аломат». Шу боисдан ҳам бу куни одамлар ўртасида

хафагарчилик, адоват, гина-кудратни унутишга ҳаракат қилинади. Урушганлар ярашадилар. Ёшлар кексаларни зиёрат қиладилар...

21 март БМТ томонидан 1999 йилда «Бутун дунё шеърят куни» деб эълон қилинганлигида ҳам улкан рамзий маъно бор. Наврӯз байрами ҳамиша ижодкорлар қалбини ром этиб, битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб келган. Кўхна Шарқ мутафаккирларидан тортиб, эндигина назм бўстонига кириб келган ҳаваскор шоирларгача Наврӯз талқини орқали гўзаллик ва нафосатни мадҳ этиб, шеър битганлар, битмоқдалар. Улар шеърларида инсон, инсоният, жамиятга ўз орзумидларини изҳор этганлар. Наврӯз байрами, баҳор фасли, халқ шодиёнаси ва тантаналари барча замонларда шеърят аҳлига алоҳида завқ ва илҳом бағишлаган.

Мавлоно Муқимийнинг:

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,

Сухбат айлайлик келинлар, жўралар ўртоклар...

каби байтлари билан бошланадиган содда ва нафис оҳанглари ҳам Наврӯз кунлари гўзал табиат кучоғида, назмни нозик тушунувчи дўстлар даврасида шоир қалбининг покиза мавжидан туғилгандир.

Ҳазрат Навоийнинг гўзал бир сатри, ҳамиша охорли бир тилаги беихтиёр ёдга тушаверади:

Ҳар тунинг Қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврӯз!

Заҳириддин Муҳаммад Бобур баҳор айёмини йигитликнинг энг кучга тўлган даврига қиёс қилади:

Баҳор айёмидир, доғи йигитликнинг равонидур,

Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.

Наврӯзда қалблар ҳам гам-аламлардан тозаланади. Фурқат дўстларни чорлаб шундай дейди:

Навбаҳор айёми бўлди, келинг, эй аҳбоблар,

Боғ аро нўш айлайлик, биз ҳам шароби ноблар.

Бундай олиб қараганда, баҳорни ким куйламайди дейсиз. Ҳар бир тоза қалб эгаси борки, Наврӯзга ошно, баҳорнинг шайдосидир.

Шу ўринда янгиқўрғонлик шоир ва муаллим Робиддин Исҳоқовнинг ҳам бундан ярим аср муқаддам истиклол орзусида битган бир шеърларини эътиборингизга ҳавола этиш истаги туғилди:

Рубобингни чалгин, созанда Наврӯз,

Рақсга тушсин қора қош каклик.

Қаҳратон қаҳри-ю, бўрон шаштин буз,

Гул фасли бу – хандон кулайлик!

Булбулларинг чақир базмга,

Базм ўтмас бизда куйсиз навосиз.

*Наврўз латофати кўчсин назмга,
Сатрларда қолсин лолалардан из ...
Олам яшаради – Наврўз юзидай,
Наврўз кияр яшил шоҳидан либос.
Олча гулларини узатиб ёрга,
Бахтимиз олқишлаб,
Янгратайлик соз!
Рубобингни чалгин, созанда*

Наврўз...

XX асрнинг 20- йилларига қадар ўзбеклар орасида туғилган кунни нишонлаш одати тараккий этмаган. Илгари кўпгина Шарқ халқларида, Марказий Осиёликларда, жумладан ўзбекларда ҳам «йил боши» («Наврўз») келгандан сўнг, инсон умрига бир ёш қўшилди, деб ҳисоблана борган. Шу сабабли Наврўз фақат табиатнинг уйғониши, янгилиниши бўлибгина қолмай, барча учун ўзига хос «йил ошди» тантанаси ҳам бўлган.

21 март Курраи Замин микёсида «Она сайёра куни» сифатида ҳам нишонланади. Бу куни БМТ Бош Ассамблеяси қарорига биноан ҳар йили баҳорги тенг кунлик муносабати билан Дунё кўнғироғи жаранглайди. Демак, бизга аждодлардан мерос, асрлар бағридан келган шодиёна, эзгуликка эш бўлган айём – Наврўз аслида фақат Шарқ халқларинигина эмас, амалда БМТ Бош Ассамблеяси қарорига биноан, юқорида қайд этилганидек, юридик жиҳатдан ҳам бутун инсоният байрамига айлантирилди...

Республикаимиз раҳбари И. А. Каримов 1990 йил бошида халқ вакиллари, депутатлар, зиёлилар билан бўлган кенгашда шундай ғояни илгари сурганди: «Миллий анъаналар халқнинг энг нозик, энг ҳурматталаб фазилатларидир. Афсуски, четдан келган баъзи бир одамлар ана шу нарса билан ҳисоблашмаган пайтлар бўлди. Ҳатто, ўзимиздан чиккан айрим раҳбарлар «Наврўз» байрамига, миллий кийим-кечакка қарши чикди. Шу даражага бориб етдикки, қариндошини кўмиш маросимида катнашишга ҳам эскилик сарқити деб қаралди, бундай одамларга, айникса, раҳбарларга нисбатан тазйик ўтказилди. Диндорлар билан мулоқотда бўлиш, улар билан бамаслаҳат иш юритиш масалаларини қўяверинг. Хуллас, бўлганича бўлди. Шунинг учун бугун бу ишларни қаттиқ қоралашимизни, халқ анъаналарига, унинг меросига, одамларнинг диний эътиқодларига қатъий ҳурмат ва эътибор билан қараш кераклигини яна бир бор уқтириб ўтмоқчиман» (Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011, 143 – 144- бетлар).

1994 йил 22 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарорнинг тўртинчи бандида “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Наврўз байрамида республикадаги барча миллий маданият марказларининг ўз дастурлари билан иштирок этишлари учун зарур шарт-шароит яратиб берсинлар”, дея белгилаб қўйилганди.

Қайд этиш жоизки, Наврўз мустақиллик даврида ҳақиқий байналминал байрамга айланди.

1995 йил Республика санъаткорларининг бир гуруҳи Туркияда илк бор давлат миқёсида нишонланаётган Наврўз байрами тантаналарида иштирок этиш ва унда халқимизнинг санъатини намойиш этиш мақсадида сафарда бўлдилар. Ўзбекистон элчихонасида Наврўз байрамига бағишланган тантаналар уюштирилди. Санъаткорларнинг 25 дақиқали дастури асосидаги чиқишлари Қозоғистон, Туркия ва Шимолий Кипр вакиллариининг эътиборини тортди. Бундан ташқари санъаткорларимиз 2 маротаба 15 дақиқалик дастур асосида ўз санъатларини “Евроосиё” телеканали орқали намойиш этдилар. Бу сафарнинг ижобий томони шундаки, дунё давлатлари унутилаётган ўзбек миллий қадриятларини мазмун-моҳиятини тушунишлари ва бизнинг маданиятга ҳурмат кўзи билан қараш ҳиссини уйғотиш имконини берди.

Мустақиллик арафаси ва унинг дастлабки йилларида халқ маросими ва байрамларини қайта тиклаш жараёни бошланди. Тарихий манбалар асосида қадимий урф-одатларни, халқимизнинг байрамларни ўтказишга доир мавжуд тажрибаларини ўрганишга киришилди. Миллий-анъанавий байрамлардан қайси бирларини тиклаш, уларни қандай ташкил қилиш ҳақидаги кишиларнинг фикрлари ўрганилиб, улар асосида байрамларга доир илмий-амалий қўлланмалар яратилди. Аждодларимизнинг асрлар давомида асраб-авайлаб, эъзозлаб авлоддан-авлодга ўтказиб келган яхши анъаналари яна сайқал топиб, бойиб, ривожлантирилишига аҳамият берилди. Халқимизнинг қадимий Наврўз, Қовун сайли, Узум сайли, Ҳосил байрами каби байрам маросимлари оммавий нишонлана бошланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий анъаналарни тиклаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон раҳбарияти энг аввало, халқимизнинг эҳтиёжи, орзу-истакларидан келиб чиқиб, азалий байрамларни тиклашга катта эътибор бера бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов фармонлари асосида халқимизнинг тарихий мероси бўлган *Наврўз* билан бир қаторда, диний байрамлар – Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити ҳам расман тикланди.

Истиклолни шарафлайдиган айёмлар: Мустақиллик куни, Конституция куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Хотира ва кадрлаш куни каби байрамлар жорий этилди. «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун (21 октябрь) Тил байрами сифатида нишонланадиган бўлди.

Умуминсоний кадриятларни тарғиб қилувчи «Янги йил байрами», «Хотин-қизлар байрами»нинг мазмун-моҳияти янада кенгайтирилди ҳамда истиқлолга эришилгандан кейин ҳам амалда ҳам миллий, ҳам расмий байрам сифатида нишонланаверди.

Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган Тошкент кинофестивали, «Шарк тароналари» (Самарқанд), «Театр фестивали», «Симфоник мусиқа фестивали» каби халқаро анжуманлар ҳам халқимизнинг маданият байрамларига айланиб кетмоқда.

Булардан ташқари бир неча сайиллар ҳам яна қайтадан тикланди. *Бойчечак сайли* Сурхондарёнинг Бойсун, Фарғона водийсининг Чуст, Янгиқўрғон, Косонсой ва Тўрақўрғон туманларида ҳозирга қадар ўтказилади. Болалар бойчечакни аввал кекса ёшдаги қарияларга беришади. Чунки, бу гул улар учун кадрли бўлиб, кишдан эсон-омон чиқилганлигидан, яна баҳор келганидан, янги ҳаёт бошланганидан дарак берган. Наманган шаҳри ва унинг атрофларидаги кишлоқларда ҳам болалар кир, адирлардан бойчечак теришиб, белбоғ ёки рўмолга солишиб кишлоқ хонадонларини айланганлар Қайси хонадонга боришса, уй эгалари бойчечакни юз-кўзларига суртиб, “Омонлик-омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги йил шу кунларга эсон-омон етайлик”,– деб ният қилганлар ва болаларга мева-чева ҳамда турли ширинликлар ҳадя қилганлар.

Аждодлар бошлаб берган Наврўз сайлининг ўзига хос ажойиб хусусияти шундаки, ҳали-ҳануз унинг очилиш маросимини кўриш мумкин-у, яқунланишини сезиш амри маҳол. Чунки, у ҳозирги даврда ишлаб чиқариш корхоналарида, ташкилот, ўқув юртларида, фермерлар даласида, маҳаллалар, кўчалар ва оилаларда давом этади.

Қадимдан Ўзбекистоннинг турли жойларида Наврўз турлича кутиб олинган. У 3 кундан 15 кунгача нишонланган. Масалан, Хоразмда Наврўзни нишонлашдан аввал махсус йиғинлар ўтказилган. Унда байрам раиси, корфармони тайинланган. Тантаналар жадвалида томошалар, сайиллар, мусобақалар ўтказиш тартиблари ҳақида сўз борган.

Қашқадарёликлар удумига кўра, ёмғир ёғиб қолса ёхуд ўзга сабабга кўра Наврўз кирган кунни тантана қилолмасалар, ўша кун «куни бекор» деб аталган. Натижада эртасига байрам қилинган.

Водилликлар бу айёмни «Наврўз гули»сиз нишонлашмайди. Ёш-яланг бу гулни териб келиш учун тоққа чиқадилар. Кечга яқин қучоқ-қучоқ гуллар териб қайтадилар. Кўпчилик «Наврўз келди, кут-барака

келди, шу кунларга етказганига шукур, тинчлик-омонлик бўлсин, шу яшнатиш фаслида янаги йил, янаги баҳорга ҳам эсон-омон тўрт кўз тугал бўлиб етайлик» – дея «Наврўз гули» – бойчечакни хидлайдилар, юз-кўзларига суртадилар:

Бойчечак айтиб келдик эшигингизга,

Худойим ўғил берсин бешигингизга.

Бойчечак айтган билан тўямизми,

Қадимги расмимизни кўямизми?..

Ушбу кўлланма муаллифларининг Ота юрти – Янгикўрғон туманидаги Ўнгортоғнинг шундоққина пойидаги «юксакликдаги кўрғон» – Поромон кишлоғида ҳам бу удум мавжуд. Ўзимиз ҳам ўтган асрнинг 60- йиллари 2- ярми – 70- йиллари бошларидан «Сассик унгур» ва «Тешик-тош» атрофларидан бойчечак териб келиб, бувимиз ва оналаримизга совға қилиб, ҳамон улар шодлигидан баҳраманд бўлиб, эвазига дуо оламиз.

Халқимизнинг азалдан гулни суйганлиги, гулга мафтунлиги хусусида этнограф Н. П. Остроумов шундай ёзганди: «Мен ... мардикорнинг, камбағал аравакаш ёки мешкобчининг, ҳаттоки гадонинг ҳам кулоғига тақиш, дўпписи тагига қистириш учун гул ахтаришини кўриб хайратда қолдим».

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2009 йилда бўлиб ўтган 64- сессиясида кун тартибига 49 рақам билан киритилган “Жаҳон маданияти” масаласи муҳокама этилди ва “Наврўз халқаро кунини” номли резолюция қабул қилинди. Унинг лойиҳаси БМТ Бош Ассамблеясига Ўзбекистон, Афғонистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Эрон, Туркменистон, Тожикистон ва Туркия делегациялари томонидан таклиф этилган эди. Шундай қилиб, БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясига биноан 21 март жаҳон микёсида ҳам Халқаро Наврўз кунини сифатида нишонланмоқда. 2009 йил 30 сентябрда эса Наврўз ЮНЕСКОнинг инсониятнинг номоддий мероси сифатида рўйхатга олинган ҳамда дунё аҳли томонидан асраб-авайлаган ҳолда тантана қилинмоқда.

Бугун Наврўз Мустақиллик мазмуни билан уйғунлашиб кетди. Биз бугун Наврўзни янги орзу-умидлар, баҳор ва яшариш маъноси билан бирга, миллий равақ, миллий тараққиёт, буюк келажак учун интилиш ғоялари ила муштарак ҳолда англамоқдамиз.

Наврўз байрами орқали халқимизнинг бой миллий-маънавий мероси қайта тикланмоқда. Жойларда маданиятимиз негизлари, миллий кадриятларимиз тикланиб, унга янгидан ҳаёт бахш этилмоқда. Наврўз мустақиллик ҳамда элнинг ўзига хос ва мос бўлган бой миллий маънавияти негизлари билан уйғунлашиб бормоқда.

ХОТИМА

Халкнинг ўтмиши, бугуни ва келажигини ҳаёт кўзгуси, қувонч ва шодлик манбаи бўлган байрамларсиз тасаввур қилиш қийин. Ўзининг гўзал, завкли, хушчакчак байрамларига эга бўла олган халкнинг истикболи порлоқдир. Зотан ота-боболаримиз минг йиллар давомида юксак маънавий сифатида эъзозлаб, аждодлардан авлодларга мерос қилиб қолдирган байрамларини эҳтиёткорлик билан оқилона равишда тиклаб, замон руҳи билан бойитиб, истикбол йўлини белгилаш ва келажак авлодларга етказиш муқаддас вазифа эканлигини унутмаслигимиз даркор.

Байрам инсон, жамият, давлат ҳаётининг маънавий илдиэларидан бири, ўта муҳим қисмидир. Байрам шахс, оила, жамият, миллат, давлат, халқаро ҳаётдаги энг муҳим ҳодиса, воқеа, саналарни қайд этади, уларни нишонлашга имконият яратади. У кишиларнинг ҳаёти, фаолиятида эришган ютуқларини ифодалайдиган ҳодисадир. Ўзбек халқида қадимдан йирик ишларнинг бошланиши ва якунланиши одатда байрамга айланиб кетади.

Байрам инсониятнинг босиб ўтган йўлларини чуқур англашга ғалабалардан фахрланишга, эртанги кун учун режалар тузишга, келажакка умид боғлашга ёрдам беради. Шу боисдан ҳам, байрам арафасида кишилар бир-бирларини табриқлайдилар, энг эзгу ниятлар, истаклар билдирадилар.

Байрам кунларида кишилар «Орадан шунча... вақт ўтибди-я?!» деган сўзларни қўл бора айтадилар. Байрамлар инсон учун энг улуғ, қадри, ортга қайтариб бўлмас мулк – вақтнинг қадрига етишга, уни эъзозлашга, асраб-авайлашга даъват этади.

Байрам куни азал-азалдан тинчлик-тотувлик палласи ҳисобланган. Ўша куни урушлар, низо-можаролар тўхтатилган. Бу кунда кишилар ўртасидаги адоват, гина-қудуратлар унутилган, ўзаро аразлашганлар ярашиб олганлар. Байрамларда шундай руҳий ҳолат вужудга келадик, унда ҳамма ғоявий-маънавий жиҳатдан бирлашади, натижада, ўзаро бирдамлик, ҳамжиҳатлик шаклланади.

Байрамларда вужудга келадиган кўтаринки қайфият кишиларни эртанги кунга умид боғлашга, келажакка ишонч билан қарашга ундайди.

Байрамлар ижтимоий-маданий ҳаёт кўзгуси сифатида ҳар бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий ютуқларини ҳам кенг намойиш қилади.

Байрамнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳамияти шу билан белгиланадики у муҳим аъёнларни қўллаб-қувватлаш асосида инсоният маданияти ютуқларини мустаҳкамлайди. Байрамлар моддий ва маданий

ҳаётда эришилган муваффақиятларнинг ўзига хос намоёйиши ҳисобланади. Чунки, байрам кунига бағишлаб барча муассасалар, корхоналар ўзлари эришган муваффақиятларни намоёйиш қиладилар.

Айнан байрам дунё маданияти ҳазинасига йиғилган энг қимматли маънавий бойликларни ўзида мужассамлаштиради. Шу боисдан ҳам байрамлар инсоният маданиятининг энг муҳим шаклларида бири бўлиши билан бир қаторда, кишилиқ жамиятини ривожлантиришнинг энг самарали воситаси ҳисобланади.

Ҳозирги даврда ўзбек халқи анъанавий байрамларининг ахлоқий-тарбиявий жиҳатларига алоҳида эътибор беришимиз лозим. Чунки, халқ байрамларида қадимий ва диний одатлар чатишиб кетиб, улар одамлар ўртасида меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат, қадр-қиммат, мурувват каби инсоний фазилатларнинг раванқ топишига катта хизмат қилади.

Ўзбек халқининг анъанавий байрамлари аждодларимизнинг энг яхши фазилатлари, фикрлари, тажрибалари, ютуқлари, қадриятларини мужассамлаштиргани учун ҳам жамиятни ахлоқий соғломлаштирувчи, инсонпарварликни барқарор этувчи ва аҳолининг маънавий камол топишига хизмат қиладиган муҳим омил сифатида намоён бўлади. Шунингдек, байрамлар одамлар орасида одоб-ахлоқ, имон-эътиқод, инсонпарварлик, меҳр-мурувват, саховат, одиллик, ҳалоллик, биродарлик, ватанпарварлик, меҳмондўстлик каби ҳислатларни раванқ топтиришда муҳим омил ҳисобланади.

Байрамлар моҳияти улар мазмуни ҳамда илгари сурилаётган, тарғиб-ташвиқ этилаётган ғоясига боғлиқ бўлади. Мазмун-моҳият, ғоя ҳар бир байрамнинг асосини, образли қилиб айтганда «жони» ва «кони»ни ташкил этади. Тарихий жараёнда байрамлар маъноси ғояси халқнинг ўйи, дарди, орзу-умидлари асосида пайдо бўлган ва ўзгариб, ривожланиб борган.

Мустамлакачилар ҳам, маҳаллий ҳукмдорлар ҳам халқимизнинг азалий ва абадий байрамлари мазмун-моҳиятига ўзларининг вайронкор ғояларини сингдириб юборишга ҳаракат қилганлар. Масалан, Наврўз, Меҳржон сингари айёмларга мустамлакачилар ўз мафқураси ёки ислом пешволари диний ғояларни сингдиришга интиланлар. Шўролар эса Ҳосил тўйини социалистик ғоялар билан бойитишга уринганлар. Зўравонлик билан мажбуран сингдирилган ғоялар эса ўз-ўзидан анъанавий байрамларнинг моҳияти, шаклига путур етказган. Бу эса одамларнинг байрамларга бўлган табиий қизиқишини сусайтириб юборган. Шу сабабга кўра, айрим байрамлар нутиб юборилган ёки улар йўқолиб кетган.

Ҳукмдорлар халқ урф-одатлари, расм-русумлари, анъаналари, байрамларига ўзларига хизмат қилувчи ғояларини сингдирилмай қолган пайтларда эса уларни тақиклашга ҳаракат қилганлар. Бироқ, аҳоли учун қулай шароит пайдо бўлиши билан байрамлар мазмунига яна «жон»

кирган. Жумладан, мустақиллик даврида шундай имконият яратилдики, халкнинг табиий-маънавий эҳтиёжини кондирадиган байрамлар (Наврўз, Ҳосил байрами) янгича мазмун, янгича бунёдкор ғоялар билан бойиган ҳолда қайта тикланди.

Фахр ва ифтихор билан шуни кайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида турли миллий ва анъанавий байрамларни ташкил этиш масаласи МДҲда энг илғор тажриба сифатида тан олинмоқда. Шунинг учун бўлса керак, дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келган мутахассис олимлар Ўзбекистон байрамлари савиясига тан бериш билан бир қаторда, юртимиз тажрибаларини ўрганиш бўйича тадқиқотларни амалга оширмоқдалар.

Шундай қилиб, энг қадимги даврлардан бошлаб шакллана борган ўзбек халқи байрамларини махсус ва ҳар томонлама ўрганиш ва баён этишга ҳали катта эҳтиёж бор. Тўғри бир рисола доирасида ўзбек халқ байрамлари ҳамда анъаналарни абадиятга айлантирган айём – Наврўз тарихи, мазмун-моҳиятига доир барча муаммоларни қамраб олиш қийин. Шундай бўлса-да, мазкур қўлланмада бир неча минг йиллик ўзбек халқи байрамлари, айниқса, Наврўз тарихи, энг қадимги даврлардан то ҳозирги кунгача бўлган ривож, муҳим босқичлари, асосий турлари ва муҳим анъаналарининг шаклланиши, тарихий тажрибалари, шўролар давридаги аҳволи, мустақиллик шароитида тикланиши ва уларнинг истиқболи ҳақида маълум бир фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар».

Байрамлар, айниқса асрлар бағридан келган шодиёна – Наврўз халқимиз ғурур-ифтихорини тиклаш, унинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, эркин ҳаёт кечиришига тарғиб-ташвиқ этиш, одамлар руҳиятини кўтариб, уларни юрт ободлиги, бунёдкорлик яратувчанлик ишларига чорлаш вазифасини бажаради.

Байрамларда, айниқса Наврўз айёмида фуқароларнинг хурсандчилик туйғулари жўш уради, таъбир жоиз бўлса, истиқлол нашидаси тараннум этилади. Бу эса, ўз навбатида, буюк ўзбек халқи қалбида истибдодга барҳам бериб, истиқлол йўлида дадил олға босаётган Ота юртимиз – Ўзбекистоннинг бугуни ва порлоқ келажагига ишонч туйғуларини уйғотади ҳамда янада кучайтиради. Ана шу улуғ айём барчамизга муборак бўлсин!

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА.....	2
ҚАДИМИЙ АЖДОДЛАРИМИЗ – ЗАРДУШТИЙЛАРНИНГ АЙЁМЛАРИ	13
ЎРТА АСРЛАРДАГИ АНЪАНАВИЙ БАЙРАМЛАР, НАВРЎЗ ТАОМЛАРИ, УДУМЛАРИ ВА ЎЙИНЛАРИ.....	34
ИСТИБДОД – МУСТАМЛАКА ДАВРИДАГИ БАЙРАМЛАР	43
ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ НАВРЎЗИ	54
ХОТИМА	61

Бахтиёр ИСОҚОВ
Наргиза ИСОҚОВА

АНЪАНАЛАРНИ АБАДИЯТГА АЙЛАНТИРГАН АЙЁМ

*Асрлар бағридан келган шодиёна, улкан маънавий кўзгу, гурур ва ифтихор
манбаи – Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот
ишларида фойдаланиш учун қўлланма*

Мухаррир:	Илҳомжон Раҳматов
Бадий муҳаррир:	Тоҳиржон Мадаминов
Дизайнер:	Бехзод Исмоков
Мусахҳих:	Комила Қаюмова
Саҳифаловчи:	Жавохир Робидинов

Мазкур услубий қўлланма Наманган шаҳар Маънавият ва маърифат кенгашининг 2013 йил 25 февралдаги 04/04-13- сонли йиғилиши қарори билан маъқулланган ва чоп этишга тавсия этилган.

Теришга берилди 23.02.2013. Босишга рухсат этилди 11.03.2013 й.

Бичими 60x42 1/8, Ҳажми 4,0 босма табок.

Хизмат доирасида фойдаланиш учун. Адади 700 нусха.

«Фахризода» КТТК (Наманган шаҳар Дўстлик шохкўчаси 2А уй)да чоп этилди

